БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши

15 (2987).

23 январь ШАНБА 1965 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МОСКВАЛИК ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ИЗИДАН

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси коллективи ҳам Москва ва Ленинград саноатчиларининг фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш бўйича бошлаган ташаббусларига актив қўшилди. Шу кунларда корхонанинг ҳар бир участкаси ва цехида сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун мусобақа авж олаяпти. Суратда: фабрика цехларининг бирида.

И. Глауберзон фотоси.

МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● ЛЕНИНГРАДдаги қатламли пластиклар заводининг илмий тадқиқот лабораториясида янги премикс полимери яратилди. Премикс бошқа полимерлардан қайта ишлашга қулайлиги ва енгиллиги билан фарқ қилади. У одатдаги қуюв машиналарида қуйилади, жуда пишиқ бўлиб, юқори ҳароратга бардош беради — 200 градусли температура унга таъсир қилмайди. Примекодан изолятор, металларнинг занглашига қарши қоплама сифатида кенг фойдаланилади.

● НОВОУФИМСК нефтни қайта ишлаш заводи жамоатчилик асосида иш олиб бораётган илмий тадқиқот институти кашфиётларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли уч миллион сўм маблағни тежаб қолди. Бундан уч йил илгари корхонада ташкил этилган мазкур институт олти юз тадқиқотчини, жумладан 400 ишчини ўз атрофига уюштирган, ВЦСПС Президиуми институт ишини маъқуллади ва касаба союзлар советларига, комитетларига ва илмий техника жамиятлари правлениеларига ана шу институт тажрибасини кенг ёйишни тавсия қилди.

● ТБИЛИСИдаги 26 комиссар номли машинасозлик заводида слесарь Мирдат Акопов нинг новаторлик таклифининг 18 январда ишлаб чиқаришга жорий қилиниши бир йилда ўн минг сўмлик иқтисодий самара беради. Акопов етти йиллик бошидан бери бешта ихтирочилик ва уч юзта рационализаторлик таклифи киритди.

● НАХОДКА балиқчилик портидан музлатиш траулери — «Каллисто» гиганти биринчи рейса чиқди. Траулер Совет Иттифоқининг закази билан Германия Демократик Республикасида қурилган, Тинч ва Ҳинд океанларининг экватор ҳамда тропик сувларида ишлашга мўлжалланган. «Каллисто» Совет Приморьеси балиқчилари флоти сафини тўлдирган дастлабки музлатиш траулеридир. Кема жанубий денгизларга ставрида ва тунец балиғини овлаш учун жўнаб кетди.

● БАЛАНД ТОҒ тепасидаги Севан кўли яқинида суюлтирилган газнинг йирик базаси ишга туширилди. Бу ерда ҳар куни мингдаб баллон ва кўплаб автоцистерн газ билан тўлдирилади. Янги база Арманистон аҳолисининг юз мингдан ортиқ хонадонини зангори ёқилғи билан таъминлайди.

● ДНЕПРОПЕТРОВСК машинасозлари такомиллаштирилган «Ракета-7» деган электропилесоснинг тажриба намунасини тайёрладилар. Бу аппарат шакли жиҳатидан жуда чиройли бўлиб, яхши ишлайди. Келгуси йили Днепр бўйи халқ хўжалиги кенгаши саноати маданий-маиший ва хўжалик — рўзғор буюмларининг қарийб тўқсонта турини ишлаб чиқаради.

● ВАХШ водийси хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникаси сақланадиган бинолар қурилиши кенг авж олдирилди. Бу биноларни колхозлараро қурилиш ташкилотлари барпо қилмоқдалар. Яқин вақтларда Жанубий Тожикистоннинг барча колхозлари машиналарни сақлаш учун яхши типовой биноларга эга бўладилар.

● АРМАНИСТОН қишлоқ меҳнаткашлари дастлабки миллион тонна органик ўғитларни далага чиқардилар. Ўғитларни тўплаш ва далага ташиш ишлари механизациялаштирилган. Баҳоргача республика далаларига ҳаммаси бўлиб икки миллион тоннага яқин органик ўғитлар ташиб чиқарилади.

● ҚРИМ курортларида янги ошхоналар, кафе ва ресторанлар қурилиши кенг авж олдирилмоқда. Бу ерда баҳорги-ёзги мавсум бошлангунга қадар 560 дан ортиқ умумий овқатланиш корхоналари очилади. Бу корхоналарда бир йўла ўттиз мингдан ортиқ киши овқатланиши мумкин. Қрим меҳмонларига ўн саккиз мингдан кўпроқ савдо ва умумий овқатланиш ходимлари хизмат кўрсатадилар. (ТАСС).

Москвадаги «Контроль прибор» заводи коллективи автомат-телефон радиостанцияси ҳамда автомат телефон станцияси орқали икки томонлама гаплашиш мумкин бўлган янги радио телефон кашф этди. Уни автомобилларга ҳам ўрнатиш мумкин. Суратларда: (чапдан ўнгга) инженер Надежда Авдонина (ўнгда) ва монтажчи Ольга Бабкова шаҳар абонени билан гаплашишяпти. Бу автомашинага радиотелефон ўрнатилган. Радиотелефон яратувчиларнинг бири Геннадий Меркулов автомобилга ўрнатилган радиотелефонни созламоқда.

С. Приображенский фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИНИ ЎРГАНИНГ

Биология фанлари доктори Акром ДОДАБОЕВ маслаҳат беради

МИНГ тўққиз юз олтмиш тўртинчи йил саманаларидан мамнунмиз. Ҳар бир миқдорли олтиндан ҳам азиз бўлган пахтадан тоғ-тоғ хирмон уйдик. Қишлоқ хўжалигимизнинг азамат меҳнаткашлари бошқа соҳаларда ҳам юксак марраларни эгалладилар. Мана энди минг тўққиз юз олтмиш бешинчи йилнинг ажойиб кунларида яшаб турибмиз. Энди олдимизда ҳарқачонгидан ҳам шарафли, ҳарқачонгидан ҳам муҳим вазифалар турибди. Биз йил сайин олдинги марраларни эгаллашимиз керак. Негаки, ҳаёт ҳамиша олдинга интилади. Негаки, тарих гилдираги ҳамиша олдинга айланади.

Энди шундай бир савол туғилади: бу йил ҳарқачонгидан ҳам катта зафарларга эришиш учун нима қилиш керак? Албатта илгаригича ишлаш билан бунга эришиб бўлмайди. Илгаригидан юксак марраларни кўзлаётган эканмизми, қиладиган ишларимизни, кўрадиган тадбирларимизни ҳам илгаригидан яхшилашимиз керак.

ХОЗИРГИ кунлар колхозчилар, совхоз ишчилари учун унчалик қисталанг эмас. Шундай экан, ҳозир деҳқончилик илмини пухта ўрганиб олиш зарур. Деҳқонларимиз минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йилни обдон ўрганиб чиқишлари керак. Бултур олган ҳосилимиз маълум. Ҳар бир пайкалнинг шарт-шароитларига қараб, бу йилги имкониятларни белгилаб олайлик. Агротехника шундай бир илмки, у осмондан тушмайди. У жонли, актив бир нарса. Агротехника бир жойда турмайди, доимо ўзгариб туради. **Ҳар бир колхознинг, ҳар бир совхознинг ўз агротехникаси бор. Кимки ўз ерининг агротехникасини беш қўлдай яхши билса, кузакда улоқни ўша олиб чиқиб кетади.**

Мен бир колхозни биламан. Унинг 1200 гектар пахта майдони бор. Ўртача 24 центнердан ҳосил беради. Хўжаликда 15 та бригада бор. Уларнинг биттаси 31 центнердан, биттаси 29 центнердан, биттаси 25 центнердан, биттаси 21 центнердан ва яна биттаси 18 центнердан ҳосил олади. Кўрдингизми, бир колхознинг ўзида шунақа турли-туманлик бор. Ана энди бу колхознинг ички имкониятларини қаранг. 31 центнер билан 18 центнерни ўртасида 13 центнер фарқ бор. Шу 13 центнер колхоз деҳқонларининг жуда катта резервидир. Хўш, бу колхозда ҳосилдорлик бораси дагги турли-туманликни йўқотиш мумкинми? Мумкин. Бунинг учун ўқиш керак, деҳқончилик илмини пухта ўрганиб олиш керак. Бир колхозда ёки бир совхозда об-ҳаво шароити ҳам, ер-сув шароити ҳам кескин фарқ қиладиган бригада ёки звено йўқ. Қуёш ҳамма ерга баббаравар нур сочиб туради. Бир ерга кучли сув, бир ерга кучсиз сув оқиб келмайди. Ҳар ернинг тупроғи ҳам бирбиридан жуда катта фарқ қилмайди. Хўш, ундоқ бўлса қолоқликнинг сабаби нимада? Қолоқликнинг сабаби — ишнинг кўзини билмасликда!

Областимизда юқорида мисолга келтирилган колхозга ўхшаган хўжаликлар кўплаб топилади. Шу хўжаликларнинг раҳбарлари қиш кунларини зое ўтказиб юбормасдан, пахтакорларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор беришлари зарур. Ўқиш-ўрганишни одатдагидай расмий мажлислар ўтказиб эмас, жуда оддий усулда, масалан чойхонадами, колхоз правлениесидами, дастурхон тепасида ҳам ташкил этиш мумкин. Даврага ҳаммани — оддий колхозчиларни ҳам, сувчиларни ҳам таклиф этиш керак. Ўша 31 центнердан ҳосил олган одамлар 18 центнердан ҳосил олган одамларга ўз тажрибаларини ипидан-игнасигача гапириб берсинлар. «Бизлар мана бундай қилган эдик, ютиб чиқдик. Сизлар эса мана бундай қилиб, хатога йўл қўйдинглар. Бу йил шу хатони йўқотсанглар, сизлар ҳам юқори ҳосил олишинглар мумкин» деб конкрет маслаҳат берсинлар.

ҲАР бир колхоз-совхоз ўз агротехникасини ўзидан топиши керак. Бу жиҳатдан Бўкадаги Ильич номли колхоз деҳқонларини мақтасак бўлади. Улар ўз хўжаликларининг шароитини пухта ўрганиб чиқиб, дала ишларини шунга қараб ташкил этишяпти. Ана шунинг учун ҳам бултур кўтарган ҳосиллари чакки бўлмади. Лекин, шундай хўжаликлар ҳам борки, у ерларда бор имкониятлардан фойдаланилмайди. Ўтган йили областимизда бор-йўғи иккита хўжалик пахта тайёрлаш планини бажаролмай қолди. Уларнинг биттаси 1-«Пискент» совхози. Бу ерда гектар бошига атиги 18 центнердан пахта териб олинди. Хўш, нега шундай бўлди? Бу совхознинг ерлари ёмонми, ёки сув етишмайдими? Йўқ. Ҳаммаси жойида. Гап — ишни ташкил қила билишда. Шу совхознинг ўзида бир илғор бригада бор. Гектар бошига 25 центнердан хирмон кўтарди. Худди шу хўжаликнинг ўзида иш олиб борган ўқув хўжалиги эса пахта ҳосилдорлигини 28 центнерга етказди. Бу фактлар 1-«Пискент» совхозида ҳам пахтадан юқори ҳосил олиш мумкин эканлигидан далолат бериб турибди. Шундай экан, совхоз раҳбарлари қолоқ участкаларга илғор тажрибани, фан ва агротехника ютуқларини дадил жорий этишлари зарур.

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ йил сайин ўсаяпти, улғаяяпти. Тошкент области ўттизинчи йилларнинг ўрталарида гектар бошига бор-йўғи 6—7 центнердан пахта етиштирарди. Эндиликда эса ҳосилдорлик бир неча баравар ошиб кетди. Деҳқончилик маданияти анча юксалди. Гўнгдан азотга ўтдик. Техника воситалари борган сари кўпайяпти, мукаммалашаяпти. Агротехника илмини пухта биладиган кадрларимиз ҳам кўпайяпти. Раҳбарлик тағ-туғи билан ўзгарди. 30-йилларда саводли колхоз раисини топиш қийин эди. Энди эса саводсиз колхоз раисини топиш қийин. Пахтанинг навлари ҳам мисли кўрилмаган даражада яхшиланди. Мана шуларнинг ҳаммаси пахтакор деҳқонларнинг ўсишига, улғайишига имкон бераяпти. Бундан буён янаям ўсишимиз керак. **Йигирма центнергача бўлган ҳосилни ҳаммаям олаверниш мумкин. Лекин йигирма центнердан юқорини илмни талаб қилади.** Ахир айтишади-ку, «эски арава билан қўйни қувлаб бўлмайди» деб. Яна қайтариб айтаманки, илмни ўрганишимиз керак. **Ҳали қисталанг кунлар бошлангунигача икки ярим ой вақтимиз бор. Шу вақтни зое ўтказмасдан, илғорларнинг тажрибасини ўрганиб олишимиз керак.**

Ҳозир кўпгина жойларда қишлоқ хўжалиги университетлари ташкил этилган. Бу яхши. Лекин бундай университетларда кўпроқ хўжалик раҳбарлари, агрономлар ўқишаяпти. Ўқиш-ўрганишни янаям кенгроқ ташкил қилишимиз керак. **Деҳқончилик илмини фақат хўжалик раҳбарларигина эмас, бригадирлар, звено бошлиқлари — механизаторлар, сувчилар, оддий колхозчилар, совхоз ишчилари ҳам пухта билиб олишлари зарур. Нега деганда, пахтани шулар яратишади.** Агар оддий деҳқон ўзи қилаётган ишнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини чуқур тушуниб етса, янада уддабуронлик билан ишлашга ҳаракат қилади. Бир килограмм азот ўз орқасидан 20 килограммгача пахтани эргаштириб келади. Агар тракторчи буни яхши тушунса, озиқлантириш вақтида ишни ниҳоятда сифатли бажаришга ҳаракат қилади. **Хоразмлик деҳқонлар ҳар бир килограмм азот ҳисобига 22—23 килограмм пахта олишяпти. Ўртача қилиб олганимизда 100 килограмм азот бир гектар ерга солинса тупроқдан 20 центнер ҳосил ундирилади.** Бу фақат азотнинг кучи билан олинадиган ҳосил. Ҳали ернинг табиий бойлиги ҳам борку. Агар азотга бу бойлик қўшилса, деҳқон ерга кўнгилдагидай ишлов берса, мўлжалланган ҳосилини олаверади.

Пахтанинг навини танлашда ҳам гап кўп. Бизнинг областимизда С-47-27 ва 108-Ф навлари экилади. Ўтган йилнинг натижаларини якунлаганда қайси пайкалга С-47-27 навини, қайси пайкалга 108-Ф навини экиш кераклигини ҳам тўғри белгилаб олиш зарур. **Сизот сувлари яқин бўлган ерларга С-47-27 навини, сизот сувлари узоқ бўлган ерларга эса 108-Ф навини эксангиз яхши бўлади.** Нав танлашнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини бир мисол билан тушинтириб бермоқчиман. Айтайлик, бир сигир таркибида уч ярим процент мойи бўлган сут беради. Сиз шуни беш процентга етказмоқчисиз. Сигирни қанча тўйдириб боқманг, барибир сутидаги мой миқдори беш процентга етмайди. Сутнинг серқаймоқ бўлиши сигир зотига боғлиқ. Агар сигирнинг зотини яхшиласангиз, мақсадингизга албатта эришасиз. Ўсимлик ҳам худди шунақа. Агар унинг навини яхшиламасангиз, кўзда тутган ҳосилингизни бермайди. Шундай экан, деҳқонларимиз нав танлашга алоҳида аҳамият беришлари керак.

СУВЧИНИНГ санъатида ҳам гап кўп. Бастакор куй чалиб туради, раққоса эса шу куйга қараб ўйинга тушади. Биз сувни бастакорга, ўсимликни эса раққосага ўхшатишимиз мумкин. Нега деганда, ўсимликнинг ўсиши сувга боғлиқ. Агар ғўзага сувни кўпроқ берсангиз ғовлаб кетади, камроқ берсангиз қуриб қолиб, шона ташлайди. Ана шуни назарда тутиб сувчиларнинг маҳоратини тобора ошира боришимиз зарур.

Энди ҳозир қилинадиган ишлар тўғрисида бироз гапириб ўтмоқчиман. Мана, кўп ўртоқлар ерларини ҳайдаб қўйишди. Қанча ер ҳайдалган бўлса, тракторлар ҳам шунча ишдан чиқди. Чунки бу йил ер музлаб қолган эди. Ҳайдов тракторлари «қийналиб» ишлади. Ер ҳайдаган тракторлар энди баҳорда биз истаганча ишлай олмайди. **Шунинг учун кузда ремонт қилинган ҳайдов тракторларини яна бир марта қўлдан ўтказиш керак.** Ҳали улар баҳорда кўп иш беради.

ХОЗИР ҳайдалган ерларга чиқсангиз катта-катта кесаклар ётганини кўрасиз. Бу кесаклар унча-мунча нам билан эзилмайди. **Январнинг қолган кунлари ичида ва бутун февраль ойи давомида ерларимизга яхоб сувн берсак жуда яхши бўлади. Бу йилги шароитда яхобнинг фойдаси жуда катта.** Нега деганда, ёғингарчилик кам бўлаяпти. Ерда етарли нам тўпланмаяпти. Сизот сувлари узоқ бўлган ерларга биринчи навбатда яхоб сувн бериш керак. Бу сув кесакларни эзади, ердаги зararли микробларни ўлдиради, даладаги ҳасчўпларни, баргларни, ғўзапояларни чиритади. Шунинг учун ҳозир яхоб керак. **Яхобни обитобида берсангиз чигитни табиий намда экиб, табиий намда ундириб оласиз.**

Баъзибир ўртоқлар «Февралда яхоб берсак, мартда бир ёғингарчилик бўлиб берса, кейин нима бўлади?» деб ўйлаб, яхоб сувн беришмайди. Бу мутлақо нотўғри тажриба. Февралда яхоб берилса-ю, мартда ёғингарчилик бўлса зарар қилмайди. Қайтага ерда кўпроқ нам тўпланади. Яна шундай ўртоқлар борки, улар яхоб сувини апрель ойида берадилар. Кейин ер ҳадеганда чигит экишга етилавермайди. Ўша одамлар «мана, яхоб сувн бер деган эдинглар, оқибати мана бунақа бўлиб чиқди» деб ўпкаланиб юришади. Ахир яхоб сувн беришни орқага қуриб юбориш керак эмас-да. Апрелда берилган сувни яхоб сувн дейилмайди, ерни қўшимча суғориш дейилади. **Бекобод, Бўка (Пискент зонаси), Янгийўлнинг қир томонларида жойлашган хўжаликларда яхоб сувн беришни февраль ойида уюшқоқлик билан ўтказиш зарур ишдир.**

ЙИЛ йилга ўхшамайди. Бу йил бутунлай бошқача йил бўлаяпти. Табиатни ҳайлайранг деса бўлади. У ўз қўйнасини доимо ўзгартириб туради. Шунинг учун деҳқонларимиз уста бўлишлари, илмли бўлишлари керак. Шундай тақдирдагина улар табиат ижиқлик қилишини олдиндан билиб оладилар ва шунга яраша иш тутадилар. Натижада ҳосилга сира путур етмайди.

Табиат «юқори ҳосил бераман» деб ҳеч кимга тилхат бермайди. Лекин унинг омборида 35 центнерлик, 40 центнерлик ҳосил бор. Биз шу омборинг калидини топа билишимиз керак. Бу калид эса — агротехника! Ёзда ўсимликка берадиган нарсаларимизнинг ҳаммасини ҳозир ерга солиб, тайёрлаб қўяйлик. Ғўзанинг тили йўқ. **У «менга озуқа бер» деб сўрамайди. Ерни ўсимликнинг ем халтаси десак бўлади. Агар шу «халта»ни ҳозир озуқага тўлдириб қўйсак, ёзда ишимиз осон кўчади.**

Маҳаллий ўғит масаласида баъзибир ўртоқлар нотўғри фикр юритишади. «Азот кўпаяяпти, фосфор кўпаяяпти, ҳа энди бизга гўнгнинг нима кераги бор» дейишади улар. Тўғри, химиявий заводларимиз деҳқонларимизга тобора кўплаб минерал ўғитлар етказиб бераяпти. Лекин, бу деган сўз — маҳаллий ўғитдан воз кечиш керак деган сўз эмас. Бир тонна гўнгда 12—13 килограмм азот бор. «Шундай экан, бир тонна гўнг ўрнига 12—13 килограмм азотни солиб қўя қолсак бўлмайдими» дейдиган ўртоқлар ҳам бор. Йўқ, бўлмайди. Азотнинг фойдаси ўз йўлига, гўнгнинг фойдаси ўз йўлига. Шунинг учун иккаласига ҳам жиддий эътибор беришимиз керак. Бундан ташқари ерга бегона тупроқни, кулни ва бошқа шунга ўхшаш ўғитбоп нарсаларни олиб чиқиб солавериш керак. Шунда ернинг кучига-куч қўшилади.

Ерни семиртиришда деҳқонлар билан чорвадорлар қўлни-қўлга бериб ишлашлари керак. Агар ферма ерга қанча кўп маҳаллий ўғит берса, ер фермага шунча кўп ем-хашак беради. Ферма ҳовлиларида гўнгдан кўплаб компост қилиб қўйилса жуда яхши бўларди.

УМУМАН айтганда, деҳқонларимиз ишнинг кўзини билиб олишлари керак. Шундагина улуғ халқимиз ва жонажон партиямиз бу йил олдимизга қўйган улкан вазифаларни уддалай оламиз. Шундагина бу йилги «оқ олтин» хирмонларимиз ҳар қачонгидан ҳам баракали бўлади!

АТОМ ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1965 йил 14—18 январда Киевда Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссиянинг мажлисида Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг делегациялари қатнашдилар.

Комиссиянинг мажлисида атом энергетикасининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш тўғрисида ҳамда ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида аъзо бўлган мамлакатларнинг бу соҳадаги ҳамкорлиги йўллари тўғрисида докладлар тингланди, шунингдек ядро приборсозлиги, изотоплар ишлаб чиқариш, ҳимоя техникаси ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалигида изотопларни ишлатиш масалалари, 1966-1970 йилларда илмий ва техника тадқиқотларини координациялашнинг асосий йўналишлари ҳақидаги комиссиянинг 1964 йилда қилган ишлари якунлари ва 1965 йилги иш плани тўғрисидаги масалалар қараб чиқилди.

Комиссия қараб чиққан барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комиссия мажлислари вақтида СССРнинг атом энергетик реакторлари қуриш соҳасидаги муваффақиятларини кўрсатишга бағишланган виставка ташкил этилди.

Комиссиянинг мажлиси ҳамжиҳатлик, дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИГА ВАКИЛЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида сайлов комиссиялари составига меҳнаткашларнинг вакилларини кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари ўтказила бошланди.

Олтин топган қўрғошин — рух комбинатининг қўрғошин — рух фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишида шу корхонанинг старший флотаторщиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Надежда Ефремовна Воспитанникова меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи Тошкент область сайлов комиссияси составига кўрсатилди. Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз аъзолари шу колхознинг ранси Умри Ҳасановани, Юқори Чирчиқ районидаги 44-мактаб ўқитувчилар коллективининг умумий йиғилиши ўқитувчи Ҳабиба Умаровани область сайлов комиссияси составига тавсия этди.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советига сайлов ўтказувчи Тошкент шаҳар сайлов комиссияси составига Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи тўқув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан тўқувчи Нуринисо Тўхтахўжаевна Мавлонова, 6-шаҳар касалхонаси медицина ходимлари номидан врач София Ханафиевна Алиева кўрсатилди.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советига сайлов ўтказувчи Бекобод шаҳар сайлов округи составига цемент комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишидан шламовщик Мария Ивановна Крилова, темир-бетон буюмлари заводининг коммунистик партия ташкилотидан тепловоз машинистининг ёрдамчиси Иван Дмитриевич Ермичев кўрсатилди.

Тошкент область меҳнаткашлар депутатлари район Советларига сайлов ўтказувчи район сайлов комиссиялари составига вакиллар кўрсатиш юзасидан йиғилишлар ўтказилмоқда. Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзолари колхоз аъзоси Абен Қамбаровни район сайлов комиссияси составига кўрсатдилар. Янгийўл районидаги «Москва» колхози аъзоларининг умумий йиғилиши механизация звеносининг бошлиғи Турсуной Йўлдошевани район сайлов комиссиясининг составига ўз вакили қилиб кўрсатди.

Меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи Сурхондарё область сайлов комиссияси составига Шеробод пахта тозалаш заводи коммунистик партия ташкилотидан смена мастери Бозор Сатторов, Денов районидаги генерал Раҳимов номли колхоз аъзолари йиғилишидан пахтачилик бригадасининг бошлиғи Халима Азимова, Термиз медикларни номидан врач Нурия Назирова кўрсатилди. (ЎзТАГ).

Область Советининг VIII сессияси

Кеча Тошкент область Советининг VIII сессияси бўлиб ўтди. Сессияда иккита масала муҳокама қилинди.

Кун тартибига қўйилган биринчи масала — «Тошкент область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1965 йилги давлат плани тўғрисида» область ижроия комитетининг раиси депутат ўртоқ Э. Т. Шайхов доклад қилди.

Иккинчи масала — «Тошкент областининг 1965 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида ва Тошкент областининг 1963 йилги бюджетининг бажарилиши ҳақида» эса область молия бўлимининг мудири депутат Я. К. Элчибеков доклад қилди.

Сессияда бюджет комиссиясининг қўшимча доклади ҳам тингланди. Бу масала юзасидан давлат банки область конторасининг бошқарувчиси депутат Ш. Зоҳидов қўшимча доклад қилди.

Сессия муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

(Область Советининг VIII сессияси тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

— Депутатимиз Собир Одиловдан жуда миннатдормиз. У халқ иши учун ҳеч тиниб-тинчимайди. Поселкамиз қиёфасига бир назар ташланг-а. Кўчаларимиздаги сув кранларидан тортиб, қўкка бўй чўзиб турган дарахтларгача ҳамма нарсада депутатимизнинг улуши бор. Поселкамиздаги ҳар бир киши унинг номини ҳурмат билан тилга олади.

Биз «Ялангоч», Оҳангарон поселкаларида бўлганимизда область қурилиш ва архитектура бўлимининг бошлиғи депутат Собир Одилов ҳақида ана шундай илиқ сўзларни эшитдик. Бу сўзлардан депутатга катта ишонч сезилиб турарди.

1963 йилда маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловларда Оҳангарон поселкасидаги 23- қурилиш округи сайловчилари Собир Одиловга катта ишонч билдириб, уни Тошкент область Советига депутат қилиб сайлашган эди. У сайловчилар билан мустаҳкам алоқада бўлиш, уларнинг ариза-шикоятлари ҳамда наказ ва илтимосларига доимо қулоқ солишни ўзининг асосий ва шарафли бурчи деб билди. Собир Одилов кишиларга меҳрибон ва камтар бўлганлиги учун ҳам тезда сайловчилар ҳурматини қозонди.

Собир Одилов сайловчилардан тушган ҳар бир наказни ўз вақтида бажариш, улар талабини қондиришга доимо ҳаракат қилди. Оҳангарон поселкаси аҳолисидаги ободонлаштириш ҳақида тушган наказни ўз вақтида область коммунал хўжалиқ бошқармаси олдига қўйди. Бошқарма бунинг учун область бюджетидан қўшимча маблағ ажратди. Натижада поселканинг Аэродром, Хоновод кўчаларига асфальт ётқизилди. Қўшимча артезиан қудуқлари қазилди. Водопровод тармоқлари кенгайтирилди. Бундан ташқари поселкада 960 ўринли ўрта мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, 400 кишига мўлжалланган кенг экранли кинотеатр қурилиши ҳамда 20-мактаб ёнига икки қаватли қўшимча бино қурилиши тугалланай деб қолди.

Бу йил поселкада икки қаватли янги магазин биноси ҳамда бошқа савдо тармоқларини қуриб, ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Депутат ўртоқ Собир Одилов ўз сайловчилари орасида тез-тез бўлиб туради. Поселкани ободонлаштириш ишларига ҳамиша бошқош бўлади. Оҳангарон цемент заводига кираверишда икки гектарча майдон кўп вақтдан буён бўш ётарди. Бу ерни аҳолининг маданий дам олиш марказига айлантириш мақсадида мактаб ўқувчилари, завод ишчилари, аҳолининг хашарини уюштириб, тўрт мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Сайловчилар ўзларининг камтар, меҳрибон депутатлари Собир Одиловдан гоят миннатдордирлар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

ҲАМИША ГАВЖУМ

Чилонзор районидаги 272-сайлов участкаси 82-мактаб биносига жойлашган. Сайлов участкасига моҳир педагог ва ишчан ташкилотчи, мактаб директори Олимжон Раҳматуллаев раислик қилади. Сайлов участкасида дастлабки тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Шу участкадаги агитпункт ҳамиша одамлар билан гавжум бўлади. Агитпункт деворлари турли қизиқарли плакат ва шиорлар, хилма-хил расмлар билан безатилган. Бу ерга ҳар куни марказий, республика ва область газеталари ўз вақтида келтириб турилади.

Сайловчиларга қулай шароит яратиб бериш мақсадида агитпунктда ҳар йилдагидек, «Справкалар столи» ташкил этилди. юрист-консультант сайловчилар хизматига ҳамиша тайёр.

— Мана бу киноустановкамизда ўқувчиларимиз сайловчиларга турли хил кинофильмлар кўрсатадилар,— дейди агитпункт мудири, мактаб партия ташкилотининг секретари А. Измаилова.

Мактабимиз бадиий ҳаваскорлар тўгараги қатнашчилари сайловчиларга тез-тез концертлар бериб турадилар.

Маҳаллий советлар сайловларига намунали тайёрланаётган бу агитпункт ва участкада барча ишлар пухта тузилган план асосида олиб борилмоқда.

Уттиз икки кишидан иборат агитаторлар группаси ўзларига белгиланган участкалардаги сайловчилар орасида тушунтириш ишларини кун сайин кучайтирмоқдалар. Айниқса, Флора Назарова, Лидия Ануччова, Мунаввар Юсупова, Содиқ Алимов, Геннадий Габдуков, Саидмурод Омонов каби ўртоқлар ишчан, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган агитаторлардан ҳисобланадилар.

Агитаторлар учун ташкил қилинган семинарларда «Рўза ва ҳайит», «Советларга сайловлар — демократиямизнинг ойнаси», «Меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш» каби темаларда лекциялар ўтказилмоқда.

Агитпункт чироғи ҳар оқшом алламаҳалгача ёниқ туради. Бу ер ҳамиша одамларнинг бирор янгилик ўрганадиган, қувончли хабар эшитиб чиқадиган жойига айланган. Агитпунктда ёшларни нуроний кексаларни кўриш мумкин. Ўнлаб агитаторлар кечқурунлари газета-журнал қўлтиқлаб сайлов участкаси хизмат қиладиган маҳаллаларга йўл оладилар, ўзларининг шарафли бурчлари — агитаторликни ўрнига кўйиш учун тиним билмайдилар.

Ж. УМАРҚУЛОВ.

ЧИРОҚЛАР ЁНГАНДА

Тошкент темир йўлчилари Маданият саройига кираберишингизда «Агитпункт» деган қизил ёзувга кўзингиз тушади. Кўпгина транспортчилар бу ерда қишнинг узун тунларни кўнгилли ўтказишади. Яқинда шаҳар Советининг депутати уларга ҳисоб берди. Халқаро аҳвол тўғрисидаги лекцияга жуда кўп киши тўпланди.

Агитпунктнинг планида кўпгина тадбирлар белгиланган. Яқин орада бу ерда ёш сайловчилар кечаси ўтказилади. Агитаторлар Тошкентнинг тарихий жойлари бўйлаб экскурсия ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Сайловчилар яшайдиган жойларда олимлар, маданият арбоблари билан суҳбатлар ўтказиш белгиланган. Пропагандистлар етти йиллик мобайнида мамлакатимиз эришган муваффақиятлар тўғрисида гапириб беришади.

Темир йўлчилар Маданият саройи ҳузуридаги агитпункт ҳозир Тошкентнинг Ленин районида ишлаб турган эллик агитпунктнинг биридир. Бу агитпунктларнинг ўтгизтаси кўп йиллардан бери сайловчилар билан доимий алоқа боғлаб келмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалик институти биносида жойлашган агитпункт ўн йилдан бери узлуксиз ишлаб турибди. Шу агитпунктнинг мудири ўқитувчи М. Тухватуллина яқинда агитаторларнинг катта бир группаси билан бирга сайловчилар ҳузурида бўлди. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайлов тўғрисида дастлабки суҳбатлар бўлди.

Район партия комитети агитпункт мудирларига йўл-йўриқлар берди. Улар учун сиёсий маориф кабинетида доимо консультация бериб туриш йўлга қўйилди, махсус адабиётлар танлаб, ажратилди.

Чилонзор районидаги агитпунктларининг эшиклари сайловчиларга кенг очиб қўйилди. Шу кунларда бу агитпунктларда шаҳар ва район Советлари депутатларининг ҳисоботлари тингланмоқда. Уч минг агитатор меҳнаткашлар орасида суҳбатлар ўтказмоқда. Улар кейинги йилларда ана шу янги уй-жой массивида рўй берган катта ўзгаришлар ҳақида гапириб бермоқдалар, Чилонзорнинг бундан буёнги ривожланишидаги ажойиб истиқболларни ҳикоя қилмоқдалар.

Бу йилги сайлов кампанияси Ўзбекистон пойтахтида 400 агитпункт иш бошлаб юборди. (ЎзТАГ).

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтидаги агитпунктда сайловолди ишлари қизитиб юборилди. Суратда: агитпункт мудири ўртоқ С. Гричашин (ўнгдан биринчи) агитаторлар билан инструктив йиғилиш ўтказмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЖАМОАТ ТОПШИРИҒИ

Бу воқеа бундан бир неча ой илгари бўлиб ўтган эди. Парком хонасига 25 ёшлар чамасидаги қадди-қомати келишган, қувноқ кўзларидан самимийлик ифодаси сезилиб турган йигит кириб келди. Қаердадир кўрганман уни.

Ниҳоят танидим. Разрезнинг 5-участкасида экскаваторчи бўлиб ишлайди. Яқинда партия сафига қабул қилинган.

Салом-аликдан сўнг йигит «дарди»ни айтди:

— Участкамиз партия ташкилотининг секретаридан шикоят қилиб келдим Сизга.

— Қани, эшитайлик-чи?

— Мен ёш коммунистман. Партияга ўтдим, билетни ёнга солдим. Шу билан бўлдими? Секретаримиз партия топшириғи бермаяпти. Ҳали ёшсан дейди. Жамоат топшириғини бажармасам, кишилар билан ишламасам, партиясизлардан нима фарқим бор?

Мен унга бу ҳақда участка партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шепелов билан гаплашиш олдик. Ҳар бир коммунист партия топшириғига эга бўлсин, деган шиор ташладик.

Ҳозир партия ташкилотимиз ҳисобида турувчи коммунистларнинг кўпчилиги доимий партия топшириғига эга. Улар ўқиғилдагидек бажаришига заррача шубҳам йўқ эди. Ўша пайтда бошқа масала ҳақида ўйлаб қолдим.

Бизда ҳар бир коммунистнинг ҳам партия топшириғи борми? Бўлса, улар топшириқни қандай бажаришаяпти?

Партия топшириғи — коммунистларни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири. Фақатгина ёшлар эмас, ҳатто кўп йиллик партия стажига эга бўлган коммунистлар ҳам партия топшириғини бажариши керак-ку. Коммунист у ёки бу топшириқни бажариш билан бир қаторда ташкилотчилик ишини ўрганади, сиёсий томондан чиниқади, муҳими, кишилар билан яқиндан алоқада бўлади. Ўз навбатида партия ташкилотининг ҳам ҳар томонидан ўсишига таъсир кўрсатади.

Орадан кўп ўтмай партком ходимлари ҳамда бошлангич партия ташкилотларининг секретарларини йиғиб шу хусусда гаплашиб олдик. Ҳар бир коммунист партия топшириғига эга бўлсин, деган шиор ташладик.

Ҳозир партия ташкилотимиз ҳисобида турувчи коммунистларнинг кўпчилиги доимий партия топшириғига эга. Улар у ёки бу масала юзасидан партия комитети ва бошлангич партия ташкилотлари секретарларидан мунтазам равишда турли топшириқлар олиб туришади.

Ўзига берилган топшириқни яхши бажариб, кишилар билан дуруст ишлаётган коммунистларимиз жуда кўп. Жамоатчилик асосида ташкил этилган корхона иқтисодий анализ бюросининг раиси ва халқ дружинаси командири П. Левошченко, разрез ўртоқлик судининг раиси А. Волков, сиёсий ва иқтисодий билимлар пропагандисти А. Ҳакимов, 4-участка механиги А. Рожков сингари коммунистлар ўз вазифаларига сидқидил қараб, жамоат топшириғини бажаришда намуна кўрсатмоқдалар.

Кўпчилик коммунистлар пропагандист, агитатор, партия-давлат контролига кўмаклашувчи группанинг раиси ёки аъзолари, деворий газеталарнинг редакторлари ҳисобланадилар. 2-участка бошлиғи В. Тё партия топшириғини жон-дили билан, кўнгилдагидек қилиб бажаради. У ўзининг тажрибали пропагандист эканлигини кўрсатди. Машғулотларни жонли ва қизиқарли ўтказади, кишиларни жамоат топшириғига нисбатан масъулият билан қарашга ўргатади. Ўзи камчиликларга муросасиз. Бошқалардан ҳам шундай бўлишни талаб қилади.

Ўртоқ В. Тё бошлиқ участка ишлаб чиқариш топшириқларини доимо ортиғи билан бажариб келмоқда. Техника-иқтисодий кўрсаткичлари дуруст. Бу ютуқларга коммунистлар сиёсий-тарбиявий ишларни тобора яхшилаётганликлари сабабли эришмоқдалар.

Кишиларга топшириқ бериш билан иш битмайди. Муҳими унинг ижросини текширишдир. Шу сабабли биз коммунистларнинг ўзларига берилган топшириқни қандай бажараётганликларини кузатиб, натижасини талаб қилиб борамиз.

Партия ташкилотимиз ҳисобида турувчи коммунистларга топшириқни кўпроқ берадиган, уларни жамоат ишларига кенгроқ жалб қиладиган бўлганимиздан кейин ютуқларимиз салмоғи ҳам бир поғона кўтарилди. Разрезимиз кончилари ўтган йили планни 24 декабрда бажариб, топшириққа қўшимча 85 эшелон «қора олтин» қазиб чиқарган эканлар, бунда аввало кишилар билан ишлаш анча яхши йўлга қўйилганлиги муҳим роль ўйнади деб ҳисоблаймиз.

Очиқ айтиш керакки, ҳали разрездаги баъзи участка партия ташкилотларида коммунистларга топшириқ бериш кўнгилдагидек эмас. Масалан, ўртоқ Сисоев секретарлик қилиб келаётган 4-участка партия ташкилоти кончилари ўртасида тарбиявий ишлар яхши деб бўлмайди. Участкадаги коммунистларнинг кўпчилигига партия топшириқлари берилмаган. Улар партия маориф шохобчаларидаги тўгарак машғулотларига камдан-кам иштирок этадилар. Худди шундай аҳволни 5-участка партия ташкилотида ҳам (секретари ўртоқ Шепелев) кўриш мумкин.

Разрез партия ташкилоти яқинда ана шу камчиликларга тезда барҳам бериш, бошлангич партия ташкилотларининг ташкилотчилик фаолиятини ҳамда ҳар бир коммунистнинг берилган топшириқни бажаришдаги масъулиятини ошириш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни тағин ҳам кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирларни белгилаб чиқди.

Мақсадимиз шуки, разрезимиздаги ҳар бир коммунист партия топшириғига эга бўлсин ва уни сўзсиз бажарсин.

Д. КУРЬЯН,
Оҳангарондаги кўмир разрези партия комитетининг секретари.

ГУЛЛАЁТГАН СОВХОЗ

Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозининг маркази кунданкун гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Пахтакорлар ҳозирги вақтда дангиллама уйларда ҳаёт кечираяптилар. Совхоз марказида радиоузел ишлаб турибди.

Совхоз қишлоқлари тўла электрлаштирилмоқда.

Шунингдек, бўлимларга олиб борадиган йўлларга асфальт ётқизилмоқда. Совхоз территориясида ҳозир озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган 14 та магазин, 5 та даволаш пункти ва битта касалхона аҳолига хизмат қилаяпти.

Совхоз пахтакорларининг фарзандлари 5 та бошлангич, битта саккиз йиллик ва 2 та ўрта мактабда фан негизларини эгаллашаяпти.

Совхозда кутубхона, клуб, алоқа бўлими, кино установка, чойхона, ошхона каби жойлар меҳнаткашлар хизматида.

Ш. НУРМАТОВ.

ЯНГИ ДАРСЛИК

Шу даврга қадар геология фанининг петрография соҳасига доир ўзбекча дарслик яратилмаган эди. Мавжуд русча дарслик ва қўлланмалар эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларининг геология ва геология-разведка факультетлари программасига тўла жавоб бера олмасди.

Шунинг учун ҳам петрография фанидан ўзбек тилида янги дарслик яратиш зарурияти туғилиб қолди. Геология ва минерология фанлари докторлари И. Х. Хамрабоев ва Ф. Ш. Ражабов ўртоқлар янги дарслик ёзишни ўз зиммаларига олдилар.

Яқинда «Петрография асослари» дарслиги «Ўқитувчи» нашриёти томонидан босилиб чиқди. Бу дарсликнинг чиқиши олий ўқув юртлари геология ва разведка факультети студентлари ҳаётида қувончли воқеа бўлди.

Уни ёзишда авторлар петрография фани намояндалари В. И. Лучицкий, Ф. Ю. Левинсон-Лессинг, В. И. Лодовников, В. В. Зубков ва бошқаларнинг қўлланма ва дарсликларидан ижодий фойдаландилар ҳамда ўзларининг педагогик тажрибалари ва илмий тадқиқотларига асосланиб дарслик мазмунини илмий назария билан бойитаолдилар.

М. ҚОДИРОВ.

Муса Абкеримов қўли гул машинасозлардан. У тайёрлаётган деталларнинг сони ҳам, сифати ҳам доимо кўнгилдагидек. Шунинг учун «Чирчиқсельмаш» заводи ишчилари унинг номини зўр ҳурмат билан тилга олишади. Фотомухбир ўртоқ А. Тўраев олган ушбу суратда моҳир слесарь Муса Абкеримовни иш устида кўриб турибсиз.

оташ қалб

«Бугунги машғулотимиз эркин тема юзасидан бўлади. Ҳар ким мустақил равишда истаган расмини чизсин».

Бу гап, айниқса, Абдуфаттохга маъқул тушди, у, доҳимиз В. И. Ленининг портретини чизабошлади. Пишиб қолган қўллари осонгина оқ қоғоз бетида ўйғналди.

— Хўш, сен нима чизяпсан?

— Э, шунча ҳаракат қилсамам...

— Ҳечқиси йўқ, аста-аста-да...

— Барибир мендан рассом чиқмаса керак-а?— Йиғлагудай бўлиб, умид тўла кўзларини жовдиратди Баҳодир.

— Оббо сен-ей,—мийиғида кулиб сўзида давом этди Раиса Антоновна.— Киши бўлар-бўлмасга тажанглик қиларверса, биринчидан соглиғига, иккинчидан эса ижодининг ўсишига зарар. Ҳар қандай мушкулни қунт, чидам билан ҳал этиш лозим. Ҳозир сен беҳудага бўғилляпсан, анча дуруст-ку...

— Қани, Расулев сен нимани ишлаяпсан? — деди Раиса Антоновна чўзиқ юзли, оқ-сариқдан келган, пўрсилдоқ лаблари орасига қаламини қистирганча бир нуқтага узоқ ўйчан тикилиб қолган Абдуфаттохга яқинлашаркан.

У ийманибгина қўлидаги расмни узатди, Узатишга-узатди-ю, бироқ юраги қафасдаги қушдай типирчиларди. «Ахир, доҳимиз В. И. Ленининг расми-я! Буни унақа-бунақа рассом ҳам боплаб чиза олмайдию, сенга ким қўйибди. Ҳозир ҳамманинг орасида урушиб берса-я!...»

Ўқитувчи ишланган расмга диққат билан тикиларкан, беихтиёр чеҳрасига табассум ёйилди.

— Жуда яхши, ўйлаганимдан ҳам зиёда бўлибди.

Бу янгроқ овоздан ҳамма ялт этиб унга қаради. Болалар, дам жилмайиб турган доҳига, дам ҳижолатдан камтарлиқ билан бошини эгиб, манглайидан бўртиб чиққан терни артаётган Абдуфаттохга ҳавас билан қарардилар.

— Биз бу расмни ёш рассомлар асарлари кўргизмасига юборамиз. Ишонаманки, у кўпчиликка манзур бўлади, — деди ўқитувчи.

Ҳақиқатан ҳам бу расм барчанинг мақтовига сазовор бўлди. Кўрикка йиғилганлар: «Тошкент, Фрунзе район «ўрта мактабнинг 6-«А» синф ўқувчиси Абдуфаттоҳ Расулевнинг ишлаган расми» деган сўзларни ўқиб, унинг маҳоратига қойил қолишди. Кўпчиликка манзур бўлган бу портрет биринчи ўринни олди.

Қўнғироқ чалинди дегунча кўп ўқувчилар рассомлар хонасига югуришади. Иш билан банд ўтирган муаллимларидан ҳали уни, ҳали буни сўрашади. У ҳарқанча банд бўлмасин, уларнинг саволларига эринмай мулойимлик билан жавоб қайтаради.

— Болаларни чин дилимдан севаман. Ахир, ўзингиз ўйланг, боғбон бир ниҳолни экиб, то қаддини ростлагунча озмунча тер тўкадими?! Ниҳолларни серҳосил, бўлиқ мева бера бошлаганидан сўнг мевасини тотаётиб, бутун ҳордиғи чиқиб кетгандай бўлади. Биз, педагоглар ҳам ёш авлодни ақл-заковатимизнинг имкони борича тарбиялашга ҳаракат қилиб, юрагимиздаги бор чўғларни сочамиз. Ёш ниҳолки қаёққа эгсанг шу ёққа эгилади. Гоҳида уларга қадалган тикон бизга қадалади,—дейди Раиса Антоновна.

У севган касбида бир неча йилдан буён ишлаб, коллективнинг ҳурматига сазовор бўлди. Иш куни битса ҳамки, хонасидан айланиб чиқиб кета олмайди. Агар, бирон нарсани илтимос қилиб қолсангиз борми, иши бошидан ошиб ётса ҳам ҳеч йўқ дея олмайди. Иложи борича кишиларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам унинг кишиларга нисбатан бундай меҳрибончилигини кўриб меҳринг товланади. Кишиларимизнинг қувончига ҳамда қайғусига ҳамроҳ бўлиш, ҳақиқий инсоннинг бурчи. Меҳрибон ўқитувчи Р. А. Циванюкда ҳам ана шу фазилат тўла мужассам.

Фарида УСМОНОВА,
ТашГУ студенткаси.

БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК РОЛИГА БАҒИШЛАНИБ ЎТКАЗИЛАДИГАН БИРИНЧИ ШАҲАР СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

● ● ●

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» таҳририятидан ёзилади

КИНО-ТЕАТР ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНДИ

Газетамизнинг ўтган йил 9 декабрь сонида Тошкентдаги «Спутник» кино-театри коллективининг томошабинларга яхши хизмат кўрсатмаётгани танқид қилинган эди. Шу кино-театр директори ўртоқ Ҳакимова редакцияга юборган жавобида газета танқидини тан олиб, шундай деб ёзади:

Газета материали кино-театр коллективининг умумий мажлисида муҳокама қилинди. Томошабинларнинг маданий дам олиши учун қулай шароит яратиб бериш юзасидан бир қанча тадбирлар кўрилди.

Кино-театрга кенг экранли янги киноаппарат ўрнатилди. Кинофильмлар кўрсатиш тартибини бузган киномеханиклар жиддий огоҳлантирилди.

БИЛИМ ПРОПАГАНДИСТЛАРИ

Билимларнинг фойдаси ҳақида халқимиз кўпгина ажойиб мақол ва маталлар тўқиган. Жамоат университетлари билимларни пропаганда қилишда кенг қуламда иш олиб бормоқдалар. Республика «Билим» жамиятининг 20 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган пленуми ана шу университетларнинг олижаноб бурчлари ва улар олдида турган юксак вазифаларга бағишланди.

Жамият правленияси раисининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати К. Ф. Фозилхўжаев ўз докладида бундай деди: ҳозир Ўзбекистонда 564 халқ университети ишлаб турибди. Бу университетларда 65 мингдан кўпроқ киши ватан ва жаҳон маданияти ҳазиналаридан баҳраманд бўлмоқда, снёсий билимни оширмоқда, фан ва техника асосларини эгалламоқда, илғор ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганмоқда. Бу жамоат ўқув юртларининг роли партия XXII съездидан кейин айниқса ошди. Ҳозирги вақтда бу ўқув юртлари оммада коммунистик дунёқарашни шакллантириш, уни коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг юксак принциплари руҳида тарбиялашнинг чинакам ўчоқларига айланди.

Пленумдаги музокараларда тўпланган тажриба умумлаштирилди. Коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси Тошкент университетининг ректори, шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Арҳангельский бундай деди: Бу ерда ташкил қилинган ўн икки факультетда республика пойтахти раҳбар ходимларидан бир мингга яқин киши ўз билимини бойитмоқда. Улар назарий фанлар билан бир қаторда, партия ва совет қурилиши, касаба союз ва комсомол турмуши, саноат ва транспорт экономикаси, молия ва кредит масалаларини ҳам ўрганмоқдалар.

Оржоникидзе районидаги халқ университетининг ректори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Н. М. Маннооновнинг нутқи қизиқарли бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари олган билимлар деҳқончилик маданиятини оширишга, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Тошкент халқаро муносабатлар университети бутун иттифоқда машҳур бўлиб қолди. Университет факультетларидан бирида халқаро темаларда лекция ўқийдиган лекторлар тайёрланмоқда. Тошкент халқлар дўстлиги университетида ўн олти миллат вакиллари шуғулланмоқда. Тингловчилар орасида Гана, Эрон, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа чет мамлакатлардан келиб республика пойтахтидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларнинг катта отраси ҳам бор.

Яқинда Гиждувон районидаги Энгельс номли колхозда очилган гигиена ва турмуш университетининг ректори, колхоз касалхонасининг врачи Ҳ. Раҳматов шу университетнинг иши ҳақида гапириб берди.

Андижон медицина институти ҳузурида ва Тошкентнинг Чилонзор массивида очилган халқ маданияти университетлари ўз тингловчиларида яхши бадиий дид тарбиялямоқдалар. Самарқанд коммунистик маданият университетидаги тўққиз факультет тингловчиларнинг билим даражасини ҳар томонлама кенгайтирмоқда. Тўрткўл районидаги Горький номли колхоз ҳузурида ишлаётган коммунистик этика ва илмий атеизм халқ университетининг факультетлари юз лектор ва пропагандист тайёрлаб чиқарди. Кўпгина техника тараққиёти, химиявий билимлар, ўлкашунослик, саломатлик халқ университетлари самарали иш олиб бормоқдалар.

Музокараларда кейинги вақтларда, айниқса жамоат кўриги муносабати билан жамиятнинг Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё область ташкилотларининг халқ университетлари ишига раҳбарликни яхшилаганликлари таъкидланди. Жамиятнинг бу область ташкилотлари университетлар учун ҳар хил қўлланмалар юборадилар, тингловчилар учун экскурсиялар уюштириб турадилар. Халқ университетларининг иши билан шуғулланувчи республика кенгаши ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари С. А. Сиров, жамиятнинг Қашқадарё область ташкилоти правлениесининг раиси профессор Қ. Ш. Шодмонов, халқ университетлари кўриги республика комиссиясининг раиси, Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари А. З. Завьялов ва бошқалар ўз нутқларида халқ университетларининг келажакдаги планлари тўғрисида, яқин вақт ичида шу университетларга кўрсатилиши лозим бўлган ёрдам ҳақида гапирдилар. Малакали лекторлар танлаш, ўқув-тематик планларини ишлаб чиқиш, тингловчиларнинг мустақил ишларини уюштириш, ўқув-методика базаларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири М. М. Раҳмонқулов нутқ сўзлади.

Пленум яқин икки-уч йил ичида барча клублар ва маданият уйлари ҳузурида халқ маданияти университетлари, йирик саноат корхоналари ҳузурида техника билимлари университетлари, барча колхоз ва совхозлар ҳузурида қишлоқ хўжалик билимлари университетларини ташкил қилишни тавсия этди. Саломатлик, педагогик билимлар халқ университетларининг сони анча кўпаяди. (ЎзТАГ).



Ординикидзе районидаги «Правда» колхозининг пахтакорлари бултур гектар бошига 36 центнердан «оқ олтин» нўтариб, юксак маррани эгаллаган эдилар. Улар бу йил нўзлаётган марра янада юксак. Шунинг учун ҳам хўжаликда ҳозир нўклам тараддуди тобора авж олдирилмоқда. Суратда: бригада механиги О. Бадалов ва тракторчи Ҳ. Туёқов ўртоқлар нўкламга шайлаб қўйилган тракторларни яна бир бор текшириб кўрмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕХНИКА ШАЙ

Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари учун ўтган 1964 йил катта зафарларга эришилган йил бўлди. Меҳнатсевар деҳқонлар 1422 гектар майдонда баракали ҳосил етиштириб, давлат омборига 4382 тонна «оқ олтин» тўкдилар. Гектардан олинган ҳосил 30,8 центнерга етди.

Пахтакорлик касбини улуғлаётган деҳқонлар бу йилги мўл ҳосилга ҳам пухта замин яратаётирлар. Барча экин майдонлари барвақт чуқур ҳайдаб қўйилди. Шудгорлаш олдидан ерлар минерал ўғитлар билан етарли озиқлантирилди. Бошқа кузги-қишки тадбирлар ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Кечагина колхозда машиналарни ремонт қилиш ишлари тугалланди.

Техника ремонти ишларида 36 механизатор фаол қатнашди. Улар кўтаринки руҳ билан ишлаб, ўз тракторларини муддатидан анча илгари сифатли ремонтдан чиқариб қўйишга муваффақ бўлдилар. Ремонт ишларида токарлардан Маманазар Мирзаев, Йўлдош Пирматов, слесарлардан Лим Александр, Турсун Азизов, Ли Сергей, механизаторлардан Парпи Солиев, Абдали Едгоров, Икром Хожиматов, Камолиддин Хатамов ва Муҳиддин Паршиевлар алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди.

Ҳозир колхознинг трактор паркида 48 та чопиқ трактори, 11 та ДТ—54 ва 2 та С—80 маркали ҳайдов трактори, 22 та сеялка, 36 та культиватор, 208 комплект борона, 26 та терим машинаси, 12 та кўрак чувиш машинаси, 80-та прицеп ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари келгуси далаишларига тўла тахт қилиб қўйилибди. Ремонт қилинган техника устя берк бостирмаларда сақланмоқда.

Меҳнатсевар колхоз аъзолари етти йилликнинг сўнгги йили баҳорини пухта тараддуд кўрган ҳолда кутиб олишдилар. Ўз шижоатли меҳнатлари билан колхознинг катта муваффақиятини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари, жумладан колхоз техникасини ремонт қилишда фаол қатнашган 20 механизатор колхоз ҳисобидан дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришяпти.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.
Ўрта Чирчиқ

ЯХШИ МЕҲНАТГА ЯХШИ ҲАҚ

КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШДАГИ ЯНГИЛИК

Қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштиришга бағишланган ва 20 январда ўз ишини тамомлаган бутуниттифоқ кенгаши колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш янги системасининг лойиҳаларини муҳокама қилди.

Ҳамма категориядаги қишлоқ хўжалик ходимларининг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва маҳсулот таннархини камайтиришдан шахсий, моддий манфаатдорлигини ошириш кўзда тутилади. Шу мақсадда маҳсулотнинг ҳар бир центнерига белгиланган нархлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш системасини айрим колхозларда тажриба тариқасида синаб кўриш тавсия қилинади. Ҳар бир центнер маҳсулотнинг нархи бутун йиллик иш ҳақи фондининг миқдорига қараб ҳисоблаб чиқилади, шу билан бирга хўжаликда қабул қилинган тариф ставкалари бўйича колхозчилар меҳнатига ҳар ойда гарантияланган миқдорда ҳақ тўлаб турилади.

Ишлаб чиқариш-молия плани тузилаётган вақтда шу фонднинг умумий миқдори белгилаб қўйилади. Бундан кейинги 2—5 йил ичида хўжалик фаолиятининг ўртача якунлари ҳисобга олинади.

Меҳнат ҳақи тўлаш учун ажратиладиган пул маблағлари фондининг минимал миқдорини партия ва ҳукумат томонидан ҳамма колхозлар учун қабул қилинган қарорларга асосланиб, пул даромадларининг камида 25 процента миқдорида ва тайёрлаш ташкилотларидан олинаётган жамики аванслариннг 50 процента миқдорида қилиб белгилаш таклиф этилади. Ҳар ойда гарантияланган миқдорда пул тўлаб турмоқ учун умумий фондан бутун йил бўйи тўланадиган пулнинг 60—80 процента ажратиб қўйилади.

Бутуниттифоқ кенгаши етиштирилган маҳсулот учун нархлар белгилаб қўйишни тавсия қилди. Деҳқончилик соҳасида бу нархлар ишлаб чиқаришнинг ўртача шароитига мўлжалланган технологик картага асосланиб белгиланади.

Бундан ташқари иқтисод қилган, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш колхозчиларни қўшимча рағбатлантирмоқ учун маблағлар ажратиш тавсия қилинади. Бажарилган ишлар энг яхши муддатларда ва юқори сифатли қилиб амалга оширилганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилади.

Колхозчиларнинг меҳнатига пул билан гарантияланган ҳақ тўлашга ўтиш билан бирга натурал тариқасида ҳақ тўлаш тартиби ҳам сақланиб қолиши мумкин.

Бутуниттифоқ кенгашида совхозларда ҳам меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш таклиф этилди. Бунда ҳам оқибат натижада олинган маҳсулот асосий мезон қилиб олинади.

Кенгаш таклиф этган лойиҳалар колхоз ва совхозларда синаб тажрибадан ўтказилиши керак. Шу тариқа олинган маълумотлар натижасида қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тагин ҳам такомиллаштирилган формалари ишлаб чиқилади. Меҳнатга тўланадиган ҳақ деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга, шу маҳсулотлар таннархини камайтиришга рағбатлантиралиган кудратли восита бўлиб қолиши лозим. (ТАСС).

Москва шаҳри.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Ҳамма ерларни кузда сифатли шудгорлаб қўйган 1-«Оҳангарон» совхози 1-бўлимининг ишчилари қишки дала ишларини янада авж олдириб юбордилар. Улар шу кунга қадар 2 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамғариб қўйдилар. Айниқса 60 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан пахта етиштириш учун курашаётган механизатор Ўртоқ Қодир Сайфулов бошлиқ звенода қишки дала ишлари қизғин боормоқда. Звено аъзолари бир жон-бир тан бўлиб ишлаб, кўкламги экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар шу кунга қадар 400 тоннадан ортиқ гўнгни дала бошига чиқариб, ариқларни сув равон оқадиган қилиб тозалаб қўйишди.

Маҳаллий ўғит ташишда механизаторлардан Ғ. Тўраев, Ҳ. Мусурмонов, А. Низомов, Т. Оролов ўртоқлар кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳиссадан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

ДАРАХТ ЎТКАЗУВЧИ АВТОМАТ

Ўрмончилик ва ўрмон хўжалигини механизациялаш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг Махсус конструкторлик бюросида дарахт ўтказувчи машинага нўчат бериб турувчи автомат яратилди. У синовдан муваффақиятли ўтди. Яқиндан бошлаб унинг намуна нусхалари ишлаб чиқарила бошланади.

Автомат кассеталаридан дарахт ўтказувчи машинага нўчат узлуксиз «узатиб» турилади. Кассеталарга нўчат станок ёрдамида жойланади. Станокни бир кишигина бошқаради. Бу станок ўн етти минут ичида 30 та кассетага 600 туп нўчат жойлай олади.

Бу механизм ёрдамида оралиқни турлича қилдириб кўчат ўтказиш мумкин. Бунинг учун дарахт ўтказувчи машина регулировка қилинади. Иккита ўтказгичга эга бўлган машина етти соат ичида уч гектарга нўчат ўтказа олади.

Агар унга автомат ўрнатилса, шунча вақт ичида саккиз гектарга кўчат ўтказа олади.

Кўчат бир қатор қилиб ўтказилган тақдирда автомат машинанинг соатига 10 километргача тезлик билан ишлашга имкон беради. Натижада машинанинг иш унуми сезиларли даражада ошади. Энг муҳими шундаки, у кўчат ўтказувчиларни унумсиз ишдан озод қилди.

Машинага кўчатларнинг автоматик равишда узатилиши иш суръатини ошириш билан бирга ниҳолларнинг зарарланмаслигини, илдизнинг тупроққа яхши жойлашишини таъминлайди. Бу автомат Москва ва Владимир областларидаги ўрмон хўжаликларида қарагай, арча ва бошқа дарахт нўчатларини ўтказиш вақтида синаб кўрилганида жуда яхши натижаларга эришилди.

Любовь ЖУКОВА,
(АПН).

РЕВОЛЮЦИОН ВОҚЕАЛАР КАЛЕНДАРИ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ДЕБОЧАСИ

Петербург ишчиларининг 1905 йил 9 (22) январдаги тинч намойишининг чор қўшинлари томонидан ўққа тутилиши бутун Россияни оёққа бостирди. Пролетариатнинг кудратли ҳаракати мамлакатнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига кучли тўлқиндек ёйилди, деҳқонларни, меҳнаткаш интеллигенцияни, солдатларни ҳаракатга келтирди. Закавказьеда, Ўрта Осиёда, Поволжьеда, Балтика бўйида миллий озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Халқларнинг ягона фронти жипслашиб, тараққиёт йўлини тўсиб турган, помещиклар ҳамда буржуазиянинг манфаатларини ва ҳукмронлигини ҳимоя қилган манфур самодержавиега қарши даҳшатли кучга айланди. Революция тўлқини кун сайин кучая борди, шаҳарларнинг кўчаларида, бепоён Россиянинг қишлоқларида ва чекка ўлкаларида тез-тез тўқнашишлар бўлиб турди.

Революция тўлқинидан Тошкент ишчилари ҳам четда қолишмади. Подшо Николай II нинг мисли кўрилмаган ёвузлигига қарши Тошкент ишчиларининг норозилиги 1905 йил 12 январь (25)даги очиқ сиёсий намойишда ўз ифодасини топди. Шу куни бутун мамлакатдаги либерал буржуазия Москва университети очилган кунининг 150 йиллигини нишонлаётган эди. Шу муносабат билан жойларда мажлислар, зиёфатлар ташкил этилади.

Зиёфатда қатнашишга Тошкент социал-демократлари ҳам таёргарлик кўришди., улар бунга ишчиларни ҳам жалб этишди. социал-демократик группанинг харбир аъзоси зиёфатга ўзи билан бирга мумкин қадар кўпроқ ишчиларни олиб келиши керак эди. Юбилей зиёфати ижтимоий йиғилишлар (ҳозирги Гоголь ва Советская кўчалари кесишган жойдаги «Комсомол 30 йиллиги» кино-театри») биносида бўлади. Бу йиғинга ишчилар ва социал-демократлардан ҳаммаси бўлиб 400 дан ортиқ киши қатнашади, улар ўртасида прокламациялар тарқатилади.

Либерал буржуазия вакилларининг ялтироқ нутқларидан сўнг ишчилар сўзга чиқа бошлашади. Биринчи бўлиб большевик Корнюшин сўзга чиқади Ишчи нотиқлар меҳнаткашларнинг оғир ҳаёт шароитлари, халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги, самодержавие — полиция режимининг зулми, Петербургдаги 9 январь қонли вақшийлиги тўғрисида қаҳр-ғазаб билан гапирадилар. Сўзга чиққанларнинг нутқи қизғин қарсаклар билан бўлиниб турар ва «Битсин самодержавие!» деган сўзлар билан тамомланарди. Митингда чор ҳукуматидан сўз, матбуот, виждон, союзлар ташкил этиш эркинлигини, Таъсис мажлиси чақириш, 8 соатлик иш кунини жорий этиш ва табақалар имтиёзини бекор қилишни талаб этган резолюция қабул қилинади. Петербургда 9-январда ҳалок бўлган ва жабрланганларнинг оиласига ёрдам учун 130 сўм пул ҳам тўпланади.

Шундай қилиб, либерал зиёфат жўшқин сиёсий митингга айланиб кетади. Бу Тошкент ишчилар синфининг сиёсий етуклигини кўрсатувчи ёрқин бир мисол эди.

Тошкент ишчиларининг мазкур очиқ сиёсий намойиши узоқ мустамлака ўлкаси — Туркистонда чоризмга қарши ташкилий равишда очиқ революцион чиқишнинг бошланиши эди. 1905—1906 йиллар мобайнида Тошкентда ва Туркистонининг бошқа шаҳарларида ишчиларнинг революцион чиқишлари, революцион кайфиятдаги солдатларнинг айрим йиғилиш ва митинглари тўхтовсиз давом этди.

Темирйўл устахоналаридаги иштошлаш Тошкент ишчиларининг биринчи катта чиқиши бўлди. Иштошлаш февраль ойининг бошларида бошланади. Саккиз соатлик иш куни жорий этиш ва иш ҳақини ошириши талаб қилиб, бнобарин меҳнат баҳосининг пасайтирилишига қарши норозилик билдириб, ҳамма цехларнинг ишчилари бирғалинда бошлиқ ҳузурига борадилар. Устахоналар бошлиғи ишчилар талабини бажаришдан бош тортади. Шундан сўнг стачка эълон қилинади. Маъмурият бунга жавобан ҳамма ишчиларни ишдан бўшатиб, улар ўрнига Ашхабоддан бир эшелон темирйўл солдатларини чақиради. Ишчиларнинг ғайри-қонуний равишда ишдан бўшатилганликларини эшитган солдатлар улар ўрнида ишлашдан бош тортадилар. Натижада маъмурият қисман ён беришга мажбур бўлади: иш куни 9 соатгача қилиб белгиланади, ишчиларнинг баъзи группалари ойлиги оширилади.

Ишчилар уюшган ҳолда ҳаракат қилганликлари ва уларга социал-демократларнинг Тошкент группаси бош бўлиб турганлиги туфайлигина ана шу ғалаба қўлга киритилди. Темирйўлчилар иштошлаши Тошкентдаги бошқа ишчиларни ҳам курашга илҳомлантирди. Тошкентда 1- Май намойиши ташкилий равишда ўтказилади. РСДРПнинг Тошкент группаси иккита варақа босиб чиқаради. Ишчилар яширин равишда уч жойда тўпланадилар. Улар йиғилиш жойларига «Битсин самодержавие!», «Яшасин халқ ҳукмронлиги!» деган шиорлар билан келадилар. Социал-демократлар сўзга чиқиб, халқни ишчилар атрофига жипслашишга, самодержавиени ағдариш учун курашга чақирадилар.

1905 йилнинг баҳор ва ёз ойлари давомида ишчиларнинг революцион чиқишлари тўхтовсиз давом этиб туради. Революцион кайфият солдатлар орасига ҳам ёйилади. 1905 йил 15 ноябрда Тошкент крепостида солдатлар исён кўтарадилар. Бироқ, ишчилар билан солдатлар ўртасидаги алоқа мустаҳкам эмас эди. Шунинг натижасида қўзғолон бостирилади, унинг иштирокчилари қамоққа олиниб ҳарбий дала судига топширилади. Шу муносабат билан РСДРПнинг Тошкент группаси варақа чиқариб, солдатларни ишчилар билан бирлашиб курашни давом эттиришга чақиради. Варақада жумладан бундай дейилган эди: «Ўртоқлар—солдатлар! Биз сизни кураш йўлига кирганлигингиз билан табриклаймиз. Сизнинг тўккан қонингиз жавобсиз қолмайди. Биз билан бир сафга туринг, олға ўртоқлар!»

Тошкентда революцион воқеалар 1906 йилда ҳам тинмайди. Реакция кучлари бош кўтариши муносабати билан 1907 йилда революцион чиқишлар анча сийраклашиб қолади.

1905—1907 йиллардаги халқ революцияси чоризмга ҳам, жаҳон империалистик системасига ҳам зарба берди. Бу революция ҳамма жойда чоризмнинг позицияларини заифлаштирди, меҳнаткашлар оммасига зўр революционлаштирувчи таъсир кўрсатди. Ишчилар синфининг жипслиги, халқлар дўстлиги биринчи рус революцияси ўтида чиниқди ва мустаҳкамланди. Бу кураш жараёнида депутатлар Советлари вужудга келди. Ишчилар синфи кейинчалик Советлар байроғи остида 1917 йилда пролетар революциясини амалга оширди. В. И. Ленин биринчи рус революциясига юксак баҳо бериб, «1905 йилдаги «Генерал репетиция» бўлмаса, 1917 йилда Октябрь революциясининг ғалабаси мумкин бўлмас эди» деб ёзди.

Ҳозирда совет халқи муваффақият билан коммунизм қурмоқда, жаҳонда интернационал бирдамликнинг мустаҳкам воситалари билан бирлашган социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги яшамоқда ва ғалаба қилмоқда. Ана шу қудратли жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва СССРнинг коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга кириши Россия пролетариати Ленин партияси раҳбарлигида бутун жаҳонга акс садо берган биринчи халқ революцияси байроғини баланд кўтарган узоқ ўтмиш билан узвий боғлиқдир.

Л. БУТАХИНА,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги архив бошқармасининг илмий ходими.

АВТОТРАНСПОРТ ҚАЧОН ТАРТИБГА ТУШАДИ?

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"НИНГ РЕЙДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ АВТОТРЕСТИНИНГ ВОШЛИРИ ЎРТОҚ ПОДКАВИРОВ ДИҚҚАТИГА!

Кейинги ойларда Тошкент шаҳрида автобуслар қатнови меҳнаткашлар талабига тўла жавоб бермаётганлиги, бу соҳада контроллик бўшашиб кетганлиги, баъзи маршрутларга етарли автобус чиқарилмаётганлиги туфайли пассажирлар қимматли вақтларини остановкаларда ўтказишга мажбур бўлаётганликлари ҳақида меҳнаткашлардан кўплаб хат келмоқда. Редакция шу муносабат билан яқинда шаҳар транспортининг аҳолига хизмати устидан текшириш ўтказди.

Хўш, шаҳар автотранспорти аҳоли талабига тўла жавоб бераяптими? Гапнинг пўст калласини айтиш керакки, жавоб беролмаяпти. Автобус қатнови устидан амалий назорат қиладиган ташкилот борми ўзи. Бор бўлса, нега у ердаги ўртоқлар ўз вазифаларига бунчалик масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Шаҳар пассажирлар ташиш автотрестининг бошлиғи ўртоқ Подкавиров, эшитаяпсизми? Бу савол сизга берилаяпти. Янглишмасак бу савол сизга кеча ёки бугун берилаётган янги савол ҳам эмас. Бу савол кўпдан буён пишиб етилган; шаҳар аҳолиси орзиқиб жавобини кутаётган қонуний савол.

Бу муҳим масалани ҳал қилиш мақсадида шаҳар Советининг махсус сессияси ҳам чақирилди. Нимасини айтасиз, ўша куни шаҳар пассажирлар ташиш транспортимутасаддилари минбардан туриб ана ундоқ қилдирмиз, мана бундоқ қилдирмиз деб кўкракларига уриб ваъда ҳам беришди.

Хўш, шундан кейин қандай ўзгариш бўлди? Биз бу саволга жавоб сифатида трест раҳбарлари эътиборини қуйидаги факт ва актларга жалб этамиз.

МЕҲМОНХОНАДАН — ДАМ ОЛИШ УЙИГАЧА

Кечки пайт. «Тошкент» меҳмонхонаси остановкасида тоқатсизлик билан автобус кутаётган одамларнинг саноғига етиб бўлмайди. Камида 30-40 минут кутасиз. Автобус келади, орқасига қайтадини, йўқми, у томони шоферининг ихтиёрида. Айтайлик шофернинг кайфи чоғ. Борди-ю ,бирор йўловчи «қачон жўнаймиз», деса борми, балога қолди, деяверинг. Машинанинг эшигини шарақлатиб ёпади-да қаёққадир ғойиб бўлади.

Кутишда давом этасиз. Ҳаво совуқ. Тик турароериб оёқдан зах ўтади, турган жойингизда оёқ ўйинга тушасиз...

— Шу ҳам автобус бўлди-ю,— дейди ўрта ёшлардаги бир киши,— эрталаб ишга келиш бир ташвиш, кечқурун бир... Ҳалиги кишининг гапи оғзида чала қолди. Автобус кутиб турган 60-70 чоғли киши ҳозир келиб тўхтаган машинага ёпирилади. Автобус ичи худди саржин қалагандек зич. Оёғингиз босилади, тугмангиз узилади, шимингизнинг почасига лой суркалади...

Бу атобусни танигандирсиз, номери 38. Бу маршрутда график, тартиб-қоидани кундуз куни чироқ ёқиб тополмайсиз. Шоферлар ўзига хон, кўланкаси майдон. Айниқса кечки пайт ва эрталаб бу машинага ўтириш муаммо бўлиб қолди. Сабаби бу маршрутда 15 та автобус қатнаши керак бўлса, январь ойининг дастлабки кунларида йўлга фақат 8 та машина чиқарилган. Бунинг устига шоферлар ўз бошларига график тузиб олганлар. Улар айниқса кечки пайтлари 5-6 таси бирданига овқатга чиқиб кетади. Натижада остановкаларда йўловчилар 40—50 минутлаб кутишга мажбур бўладилар. График нотўғри тузилганлиги сабабли кўп вақт маршрутда қатнайдиган автобусларнинг ярми ишдан кейинги соатларда гаражга қайтишади. Қолган автобуслар пассажирларни ташиб улгура олмайдилар.

Ана шу ҳақда автобаза раҳбарларига эътироз билдирсангиз улар план тўлмаётганлигини рўкач қилишади. Нима учун план тўлмас экан. Аввало шуни айтиш керакки, улар ўз айбларини хаспўшлаш учун шундай баҳона кўрсатишга одатланиб қолишган. Ахир минглаб одамларни остановкаларда соатлаб куттириб қўйиш шартми? Агарда автобуслар етарли ажратилиб қўйилганда эди одамлар ҳам хурсанд бўларди, планлар ҳам ошириб бажарилларди.

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози билан Олой бозори ўртасида қатновчи 67-автобус ҳам юқорида таърифланган 38-маршрутдан қолишмайди. Бу маршрут масофаси узоқ бўлишига қарамай, фақат иккита машина қатнайди. Эрталаб соат 8 дан 11 гача бу автобусга чиқиш тўғрисида ўйлаб ҳам бўлмайди. Кечқурун соат 7 бўлмасдан кўпчилик шоферлар гаражга қараб қуён бўлишади. Шунда диспетчерлардан сўрасангиз «ия, бизнинг хабаримиз йўқ-ку» деб ўзларини гўллиққа солишади. Худди шу сингари манзарани 19, 47, 62- ва бошқа маршрутларда ҳам учратасиз.

Яна бир марта қатъий қилиб сўрасак, ортиқча бўлмас, ўртоқ Подкавиров, шу воқеалардан хабардормисиз. Башарти билсангиз, қачон бу томонларда тартиб бўлади.

КАССАГА ЭМАС — КИССАГА

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда юқорида айтилган камчиликлар билан бир қаторда шундай эғри қўл шахсларни ҳам учратиш мумкинки, улар давлат ва халқ тийинига чанг солиб келмоқдалар.

Масалан, Охунбобоев майдони билан «Маданият» колхози ўртасида қатновчи 62-маршрутда ажойиб хангомалар тез-тез учраб туради. Декабрнинг ўн олтинчи куни 26-35 ТНВ номерли автобус кондуктори «Маданият» колхозиди ва қўшимча қилиб қўйди. «50 тийиндан бериб чиқаверинглар». Одамлар гурр этиб автобусга ёпишди, машина одамга лиқ тўлди. Кондуктор ҳаммадан 50 тийиндан пул йиғиб олди. Шунда пассажирлардан бири, «нега 50 тийиндан олаяпсиз», деб эътироз билдирган эди, кондуктор, «яхшилиқни билиш керак, мулла йигит. Бизнинг машина 61-маршрутда қатнайди. Бўш вақтимиз бўлгани учун кўпчиликка раҳмимиз келиб ҳожат чиқаряпмиз. Ўтирмасингиздан илгари писанда қилиб қўйдик-ку, чидаганга чиқарган деб». — деди.

Вокзал — РТС маршрутида қатновчи 31-02 ЕЭ номерли 17-автобус кондуктори И. Любенская кўпинча пассажирлардан пул йиғиб олиб билет бермайди. Унинг кассаси текшириб кўрилганда бир маршрутнинг ўзида 1 сўм 30 тийин знёд пул чиқди. 41-14 ЕЭ номерли машина кондуктори Люба Кошурниковнинг кассасида ҳам 1 сўмга яқин ортиқча пул борлиги маълум бўлди.

«Маданият» колхози билан Охунбобоев майдони ўртасида қатновчи 62-маршрутнинг 17-99 ТНА машинаси шофери Аброр Худойберганов ман-ман деган олғирлардан чиқиб қолди. У автобусга чиққан одам борки худди отасидан мерос қолгандек йиғилган пулни кассага эмас, ўзининг киссасига уради. 9 январь куни унинг кассаси текшириб кўрилганда сотилган билетга нисбатан 8 сўм 94 тийин ортиқча пул чиқди.

41-38 ТНВ машина кондуктори (Охунбобоев майдони — Тошкент Минвода маршрутида) Ойниса Хўжаева ҳақида ҳам худди шундай гапни айтиш мумкин. Хўжаева автобусга чиққан пассажирлардан пулни қуртдек қилиб санаб олади, лекин билет йиртишга келганда безрайиб тураверади. У икки марта қатнашнинг ўзида 3 сўм 45 тийин пулни жиғилдонга урди. Шу маршрутда қатновчи 16-47 ЕЭ машина шофери Гусев ҳам бир маршрутнинг ўзида 10 дан ортиқ пассажирга билет бермай пулни ўзи олган. 11-78 ТНВ машина кондуктори Роза Габитова ишида ҳам шундай воқеани учратиш мумкин.

Тошкент — Черняев маршрутида қатновчи 28-88 ТНВ номерли машина кондуктори Лида Патанова ҳам бир қатнашнинг ўзида 10 кишидан пул олиб билет йиртмади.

Тошкент-Келес маршрутида қатновчи 11-43 ЕЭ маркали машина шофери М. А. Раҳмонов пулга ўч чиқиб қолди. У Тошкентдан то Келесга қадар бир бориб келишнинг ўзида 33 кишидан пул олиб билет бермаган. У давлатнинг 3 сўмдан ортиқ пулини ҳазм қилмоқчи бўлган. Хўш, бир маршрутнинг ўзида шунча пулни ўғирласа, ўн маршрутда 30 сўм, ўн кунда эса 300 сўмдан ортиқ давлат маблағини ўзлаштиради-ку. Нега бунақа одамларнинг қўлидан ушлаб, кўпчилик ҳақини сингдиролмайсан, деб айтиб қўйилмайди.

Бу йўлларда аввтобусларнинг ажратилган миқдорда маршрутга чиқарилмаётганлиги кимга фойдаю, кимга зарар бўлаяпти. Айниқса 5-автобаза раҳбарлари (директори Шестапалов, партия ташкилотининг секретари Александр Папиков, бош инженери И. Сваршак ўртоқлар) автобазадаги имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланганларида эди, эътирозларга ўрин бўлмасди. Улар маршрутларда график бўйича ажратилган машиналарнинг бўлишини таъминлаш ўрнига план тўлмаяпти деган эски ашулаларни янги мақомда айтганлари-айтган.

Нима учун маршрутларда автобуслар кам. Нима учун бу автобаза бўйича ҳар куни 100 та ўрнига маршрутларда 70 ёки 80 та машина қатнайди. Автобазадаги жуда кўп машина арзимаган сабаблар билан маршрутга чиқарилмайди. Автобазада меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган. Партия ташкилоти шоферлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишга етарли эътибор бермайди.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, автобазада тарбиявий ишларга сира эътибор қилинмайди. Техникага нисбатан ёмон муносабатда бўлинаётганлиги сабабли ҳар куни 30—40 га яқин машина автобазада ремонт талаб бўлиб ётади. Бундан ташқари айрим шоферлар ўртасида ичкиликбозлик, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тез-тез учраб туради. 44-маршрут шофери Приходко, 68-маршрут шофери Муҳамедов, 75-маршрут шофери Галинбоев, 71-маршрут шофери Жўраев, 72-маршрут шофери Масалов, 45-маршрут шофери Зокировлар айрим пайтларда ичкилик ичиб ишга чиқмайдилар.

Ҳозир автобазада 35 та машина турли сабаблар билан ремонт қилинмай ётибди. 3 та машинада кондуктор, 4 та машинада шофер йўқ. Тошкент катта шаҳар. Агар бирор соат автобуслар ёмон ишлайдиган бўлса минглаб одамлар ишдан кечикиши, машина пойлаб асаблари бузилиши мумкин. Автобазаларнинг раҳбарлари ана шундай воқеаларнинг юз бермаслиги учун ўз вазифаларини виждонан бажаришлари керак.

Шундай қилса бўладими ўртоқ Подкавиров?

Шу саволимизга сиздан жавоб кутамиз!

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ,
В. АКБАРОВ,
М. ҚУЧҚОРОВ,
Ҳ. МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ишчи-мухбирлар университетининг тингловчилари.

Ж. УМАРҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

А. ШАЙХОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Пули киссада, билети кассада.
М. Воробейчиков чизган расм.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

БАҲРИ ОПА БОҒИДА

Оналик меҳрига тўлган бу хотин
Жаҳонни бағрига сиғдирмоқ истар,
Фарзандларга ёйиб иссиқ қучоғин
Пешонадан севиб эркалаб ўпар.
— Унта бўлса — ўрнидир бошқа,
Ҳеч бири етим-у бегона демас.
Ҳар бири ҳуснидир нексалик ёшга,
Фарзандсиз ҳаёт бу мукаммал эмас.

ЎЗИНГ АЗИЗСАН

Элингдай ғолибсан азиз пахтакор,
Қорли тоғлар каби тикладинг ҳосил.
Сен шундан топгансан доим эътибор,
Кўриб кўзларимдай қувонади дил.
«Оппоқ олтин»ларинг — юрт чиройлиги,
Фаровон турмушинг, обрўйинг шундан.
Олтин энинларинг Ватан бойлиги,
Довруғинг, шуҳратинг шундандир чиндан.
Ҳамма—ҳаммасидан ўзинг азизсан,
Сенинг мардлигингдан хирмонлар ҳосил.
Сен она-Ватаннинг тани-жонисан
Шонли меҳнатингдан давронлар ҳосил.

ВАТАН МУҲАББАТИ

Ватан, сенинг азиз тупроғинг,
Олтиндан ҳам азиздир менга.
Меваларга тўла гул боғинг
Ташаккурим она ер сенга.
Қадринг билан ўтли юрагим,
Туташгандир бир умр, инон!
Мақсадим-у битта тилагим:
Сен ўзингсан битмайдиган кон.
Муҳаббатинг дилимда, онгда,
Ҳар нафт тупроқ бахтимдай азиз.
Жамолингга боқаркан тонгда,
Суқланади ўчмасдан юлдуз.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ЖАҲОННИНГ БИР КУНИ

*** Тинчлик манфаатларини кўзлаб * *Ажал лагерининг собиқ тутқуни: „жаллодлар жазолансин“* * Кутилмаган „меҳмон“ * Англияда нарх-наво ошмоқда * Совет графикасининг муваффақияти.**

ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

Германия Федератив Республикасининг ҳукумати, деди Владимир Ильич Дегтярев ТАСС мухбирига, гитлерчи ҳарбий жиноятчиларнинг гуноҳини кечириб юборишга уринмоқда. Инсониятнинг виждони Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг бу қора ниятларига асло тоқат қила олмайди. Мен, деди у, Совет ҳукуматининг баёнотини ўқиб, жуда мамнун бўлдим. Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг фашист жиноятчиларни жавобгарликка тортишни тўхтатиш тўғрисидаги қарори бутунлай асоссиз эканлиги Совет ҳукуматининг баёнотида яққол исботлаб берилди.

В. И. Дегтяревнинг чап қўлида 182948 рақамлари ёзилган. Бу — Освенцимнинг тамғаси. XX асрнинг йиртқичлари — гитлерчилар томонидан инсониятга қарши қилинган ҳамма жиноятларни кечириш мумкинми, ахир?—деди фашистлар ажал лагерининг собиқ тутқуни Дегтярев. Жаллодлар қаерда яширинмасинлар, уларни кечириш мумкин эмас. Германия Федератив Республикасидаги «закончиларнинг» ҳеч қандай найранглари гитлерчи қотилларни оқлаб юбора олмайди.

Менинг бу фикримга деди В. Дегтярев, мен билан бирга ишлашган ўртоқларимнинг ҳаммаси тўла равишда қўшилишларига сира шаншубҳа қилмайман. Мен Польшадаги дўстларимга — ёзувчи Игорь Неверлига, Лодздаги медицина институтида ҳозир илмий ходим бўлиб ишлаётган доктор Генрих Величанскийга ва бошқа поляк антифашистларга даъват қилиб, шуни айтаманки, фашист жиноятчиларни қилмишларига яраша жазоланишдан сақлаб қолишга уринаётган Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг виждонсиз бу ҳаракатларига қарши баланд овоз билан норозилик билдирайлик.

Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг фашист жиноятчиларни таъқиб қилишни тўхтатиш тўғрисидаги қонунсиз қарори бекор қилинши лозим!

Ветеринария врачи олим Владимир Дегтяревнинг номи поляк антифашистлари орасида айниқса машҳур. Освенцим лагерининг тутқуни бўлган вақтда Дегтярев гитлерчиларга қарши олиб борилган махфий курашда актив қатнашди. Совет ватанпарвари зўр дадиллик билан лагердан қочиб чиқиб, душманнинг орқа томонидаги партизанлар ортядига бошчилик қилди. Бу отряд Польша территориясини окнупация қилиб турган гитлерчиларга қақшатгич зарбалар берди. Поляк ёзувчиси Игорь Неверлининг «Сельск даштида ўсган йигит» деган повестида В. Дегтяревбош қаҳрамон (доктор Вова) қилиб тасвирланган.

Ҳозир В. Дегтярев Ростов область илмий тадқиқот ветеринария станциясининг директори бўлиб ишламоқда. (ТАСС).

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ДАЪВАТИ

ПХЕНЬЯН, 21 январь. (ТАСС). Тинчликни ҳимоя қилиш Умум Корея миллий комитети ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг Корея комитети бутун дунёдаги тинчликсевар ҳалқларга бирасликда мурожаат қилиб, уларни Америка империализми ва Пак Чжон Хи тўдасининг Жанубий Корея қўшинларини Жанубий Вьетнамга юбориш планларини кескин равишда қоралашга ва жиноятчилик планнинг амалга оширилишига йўл қўймасликкга чақирди, дейилади Корея Марказий телеграф агентлигининг ҳабарида. Мурожаатда айтилдики, Америка империализми ва Жанубий Корея сўқма ҳукуматининг бу фитнаси Вьетнам ҳалқига нисбатан агрессив ҳаракат ҳамда 1954 йилги Женева битимларини жуда қўпол равишда бузиш бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга Корея ҳалқига нисбатан қилинаётган ифворгарлик ҳамдир ва Осиёдаги тинчликка жиддий таҳдиддир.

ТЎЛА МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

БУДАПЕШТ, 21 январь. (ТАСС). Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий консультатив комитетининг мажлиси тўғрисида олинган хабарларнинг Венгрия газеталари биринчи саҳифаларида босиб чиқармоқдалар. Ғарб давлатлари томонидан бўлаётган таҳдид кучайиб бораётган шароитда ва айниқса, Ғарбий Германия агрессив, Шимолий атлантик блокига тортилганлиги натижасида, деб ёзади «Непсабадшаг» газетаси, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар хавфсизлик ва ўз чегараларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб, ўз қуролли кучларининг бирлашган қўмондонлигини тузишга мажбур бўлдилар. Ўтган ўн йил бундай қарорнинг тўғрилигини исботлади. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбарларининг ҳозир олиб бораётган музокаралари, деб ёзади газета, қардош ҳалқларнинг хавфсизлигини ва жипслигини мустаҳкамлаб, бутун Европада тинчликка ёрдам беради.

У. КАШТАН — КАНАДА КОМПАРТИЯСИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

ТОРОНТО, 21 январь. (ТАСС). Канада Компартияси Миллий комитетининг ўз ишини тамомлаган пленумида ўртоқ Уильям Каштан Компартиянинг бош секретари қилиб сайланди. У, 1909 йилда Монреалда туғилган. 18 ёшидан бошлаб коммунистик ҳаракатда қатнашиб келмоқда. Канада ёшлари коммунистик иттифоқининг миллий секретари бўлиб ишлаган, сўнгра Канаданинг турли шаҳарларида партиянинг раҳбарлик ишларида бўлган. Кейинги йилларда ўртоқ Каштан Компартия Миллий комитетининг секретари бўлиб ишламоқда эди.

Германия Демократик Республикасида янги кема-сузувчи кран ишлаб чиқаришга киришилди. Бу ерда ишлаб чиқарилган кеманинг дастлабкиси Совет Иттифоқи учун мўлжалланган. Суратда: сузувчи кранинг кўриниши.

АДН—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

АБАДИЙ БАРҲАЁТ

ЛЕЙПЦИГ. Шаҳарнинг чеккасидаги қадимий уйларнинг бирида шинам квартира бор. Бу квартирада китоблар, эсдалик совғалари қўйилган витриналар кўп. Кўзга яққол ташланадиган жойда В. И. Ленининг катта портрети қўйилган. Шу квартиранинг эгаси кекса немис Дина Гельбке В. И. Ленин билан шахсан таниш эди.

— Мен, деб ҳикоя қилади у, Владимир Ильичнинг Лейпциг сафаридан бирида уни биринчи марта кўрдим ва у билан гаплашдим. Мен Лейпцигда, шунингдек Цюрихда Ленининг рус сиёсий муҳожирлари ва немис ўртоқларимиз ҳузурида сўзлаган нутқларини бир неча бор эшитиш шарафига муяссар бўлдим. Ленин мен билан бир неча марта суҳбат қилди ва Цюрихда мени Надежда Константиновна Крупская билан таништирди. Мен Владимир Ильичнинг нутқини сўнгги марта 1914 йилда Лейпцигда тингладим. У, миллий масала ҳакида лекция ўқиган эди. В. И. Ленининг нутқи ҳаниша жуда солда, равшан ва равон эди. Шу билан бирга, у айрим, энг муҳим масалаларни немис ўртоқларимиз учун баъзан немис тилида такрорлаб берар эди.

Орадан 10 йил ўтгач, 1924 йилда В. И. Ленининг вафот этганлиги тўғрисидаги кайғули хабар Лейпцигга етиб келди. Дина Гельбке В. И. Ленин хотирасига бағишланган кеча уюштирди. Шундан кейин бир қанча йиллар мобайнида немис коммунистлари январь ойининг охирида В. И. Ленин, К. Либкнехт ва Р. Люксембургларнинг хотирасига бағишланган кечаларни ўтказиб турдилар.

Дина Гельбке ҳозирги вақтда Ленин тўғрисида ўз хотираларини ёзмоқда, унинг ҳакида кўп нутқ сўзламоқда.

Мен,— дейди Дина Гельбке,— ана шу буюк, абадий барҳаёт инсон-тўғрисида одамларга сўзлаб бериш учун умримнинг охиригача бутун кучимни бағишлайман.

УЛУҒ ИДЕАЛЛАРГА САДОҚАТ

СОФИЯ. Болгария Коммунистик партиясининг нашриёти Ленин тўғрисидаги хотиралардан айрим парчалар ва ҳужжатлар тўпламини «Ленин — ўртоқ ва инсон» деган ном билан болгар тилида нашр этди. Бу тўплам кўп нусхада босиб чиқарилди.

Владимир Ильич туғилган куннинг яқинда нишонланадиган 95 йиллиги шарафига Ленин номига қўйилган завод ва фабрикаларда, меҳнат кооператив деҳқончилик хўжаликларида зарбдор меҳнат кунлари ўтказилмоқда. Ўқув юртларида суҳбатлар ва пионерларнинг йиғинлари уюштирилмоқда.

Болгария-Совет дўстлиги умумҳалқ комитети ўз залларида Ильичнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фотовиставка ташкил этади.

МОНГОЛИЯДА СОВЕТ КИТОБИ

УЛАН-БАТОР. Монголиядаги китобхонлар Л. Толстой, И. Тургенев, А. Толстой, А. Фадеев, М. Шолохов, К. Симонов ва бошқа совет ҳамда рус ёзувчиларининг асарларини зўр иштиёқ билан ўқимоқдалар.

Монголия Халқ Республикасининг давлат нашриёти китобхонлар севган авторларнинг асарларини йил сайин кўп нашр этмоқда. Республикада совет ва рус ёзувчиларининг шу вақтгача нашр этилган китобларининг умумий тиражи 30 миллион нусхага етиб қолди ва тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили Л. Н. Толстойнинг ҳикоялар тўплами, М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» (иккинчи китоб), А. Толстойнинг «Булутли тонг», И. Гончаровнинг «Обломов» китоблари ва бошқа асарлар магазинларга чиқарилган эди. Бу йил Н. Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?», А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» (иккинчи китоб), Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» китобининг учинчи томи, совет поэзиясининг икки томли антологияси ва бошқа кўп асарлар китоб магазинларига ва кутубхоналарга юборилади.

ХИКРЕН ШАХТЕРЛАРИ ОЛДИНГИ САФДА

ПХЕНЬЯН. Жанубий Пхеная вилоятидаги Хикрен кўмир шахтасининг ишчилари 1965 йилда ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш ҳаракатининг ташаббускори бўлдилар. Улар кўмир қазиб чиқариш йиллик планини 5 октябрь — Корея меҳнат партияси ташкил топган кунининг 20 йиллигигача бажариш мажбуриятини олдилар.

Шахта коллективи ўтган йили кўмир қазиб чиқариш юзасидан Корея Халқ Демократик Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг сўнгги — 1967 йил охирига мўлжалланган планни ошириб бажарган эди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ Иорданияда совет космонавтларига бағишланган бир қанча почта маркалари чиқарилди.

✦ Гаагада совет графикаси виставкаси катта муваффақият билан ўтмоқда. 50 та совет рассомларининг асарлари кўрсатилаётган бу виставкага «Де Ваархейд» газетаси юксак баҳо бермоқда.

✦ Будапешда, Халқаро журналистлар ташкилотининг кечки мактаби очилди. Африка, Осиё ва Латин Америкасининг кўп мамлакатларидан келиб, Венгриянинг олий ўқув юртларида ўқиётган студентлар бу кечки мактабда журналистика асосларини ўрганадилар.

✦ Индонезия Республикасининг ташқи ишлар министри Субандрио уч кунлик визит билан Рангунга келди.

✦ Ҳозир Гана аҳолиси етти ярим миллион нишига етди. Мамлакат аҳолиси 1960 йилдагига нисбатан саккиз юз минг киши миқдорида кўпайган.

✦ Англияда чакана нархлар индекси кўтарилиб, ўтган йил ноябрдаги 108,8 дан декабрь ойида 109,2 га етди (1962 йилги даража 100 деб қабул қилинади). Уйларни ижарага ўтказиш учун ишлатиладиган кўмир нархи ортганлиги нархларнинг кўтарилишига асосий сабаб бўлди.

✦ Сайгоннинг 25 километр шарқи-жанубидаги таянч пунктларидан бири бўлган Фумига Жанубий Вьетнам партизанлари ҳужум қилган вақтда американлик кенгашчилардан иккитаси яраланди ва ҳукумат қўшинларининг ҳарбий хизматчиларидан 45 киши ўлдирилди ва жароҳатлантирилди. Бу маълумот Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан юборган хабарида эълон қилинади.

✦ Жанубий Родезия журналисти Эйлин Хэддон Лондондаги матбуот конференциясида гапириб, Жанубий Родезиядаги африкаликлардан икки мингга яқин киши ҳеч бир суд қилинмай, қамоқ лагерларига юборилди деди. Бу журналист жанубий Родезияда полициядан рухсат олмай туриб ҳеч қандай йиғилиш ўтказиш мумкин бўлмай қолганлигини айтди. Яна бунинг устига, деди Эйлин Хэддон, полиция «кимки тартибсизликларга сабабчи бўлди деб гумон қилса, уни ушлаб қамаб қўя беради».

✦ Рейтер агентлигининг Сеулдан берган хабарида айтилишича, Сеул суди корейслардан бир кишини уч йилга, иккинчисини икки йилга қамоққа ҳукм қилган. Суд уларни Америка қўшинларини жанубий Кореядан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабни қувватлаётган «қонунсиз» партия тузишда айблади.

✦ Италияда қаттиқ шамол билан ёққан қор кўп районларга анча зарар етказди. Бир қанча жойларда қор уюмлари ва кўчиклари тош йўлларни қоплаб олиб, қатновни тўхтатиб қўйди. Неаполь причалларидан бирида тўхаб турган ва Ғарбий Германиядан келган бир юк кемаси қаттиқ шамолдан шикастланиб, сувга ғарқ бўлди.

(ТАСС).

НАВБАТДАГИ НАМОЙИШКОРОНА ВИЗИТ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 21 январь. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг президенти Любке 22 январда навбатдаги намойишкорона визит билан Ғарбий Берлинга келади. Ғарбий Берлин Ғарбий Германияга тааллуқли эмаслиги ғарчи ҳаммага маълум бўлса ҳам, бу ерда у Ғарбий Германия президенти вазифасини бажармоқчи. Любкенинг Ғарбий Берлинда қиладиган ғайри қонуний ишлар программасига, жумладан «Яшил ҳафта» деб аталган халқаро қишлоқ хўжалик виставкасини очиш маросимида иштирок қилиш ҳам киритилган.

Любке бу ерда 2 февралгача туради.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ

НАЖОТКОРЛАР

МАГАДАН. «АН-2» самолёти учиш майдончасидан кўтарилиб, қоронғи осмонда бирдан ғойиб бўлди. Самолёт Илирнэй довонига етганидан кейин диспетчерлик пунктига дастлабки ташвишли радиограмма келди. Учувчи Анатолий Шчулькин ва Николай Еринов ларнинг қуйидагиларни хабар қилдилар: Двигателга нимадир бўлди. Машина худди безгак тутгандек титрарди, ленин орқага қайтиш мумкин эмас — узоқдаги бугучилик бригадасида огир бетоб подачи нажот кутар эди.

Самолёт қандайдир мўъжиза билан, аниқроғи учувчиларнинг маҳорати туфайли белгиланган пунктга ахир етиб келди. Машина музлаган дарёга қўниб, тўхтаб қолди. Винт парракларидан бири синиб қолган экан. Бемор подачига эса, шошилинч суратда ёрдам кўрсатиш керак эди. Буни англаган Н. Еринов ва А. Шчулькин 40 градусли совуқда винт паррагини 25 сантиметр қисқартиришга муваффақ бўлдилар. Бунинг натижасида энг муҳими бўлган симметрияга эришилди.

Расчетлар самолёт ҳавога кўтарила олишини кўрсатди. Яна қоронғи қутб туни, пастда — беопён Чукотка тундраси ястаниб ётибди. Олдинда эса дўстлар билан қувончли учрашув кутар эди.

ПОДАЧИНИНГ МАРДЛИГИ

ЭЛИСТА. «Эрдниевский» совхозининг подачиси Бадма Сенже-Аряев буқалар подасини ҳайдаб, бўронда 40 соатга яқин йўл босди. Базагача бир ярим километр қолганида қуқиндан бўрон бошланиб кетди. Теварак атрофни оппоқ қор бўрони босди.

Моллар қадамларини секинлаштириб, бир-бирларини қиса бошлади, сўнгра эса орқага томон қайтди. Бадма подани тўхатишга зўр бериб уринди. Шамол ва бўрон туфайли моллар кенг дашт томон юрар эди.

Подачи қор босган даштда бир ярим сутнадан кўпроқ йўл юрди. Ахир қўшниларининг чорва моллари қишлайдиган узоқ яйловга бориб етди. Кўп ўтмай, тракторлар ва машиналарда механизаторлар ёрдамга етиб келишди. Совхознинг 354 бош буқасининг ҳаммаси омон қолди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ЦИРК ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Сайёралардан сайёраларга учиш одамларнинг асрий орзуси. Лекин космонавтларнинг сайёраларо парвозини ўз кўзингиз билан кузатмоқчи бўлсангиз шу кунларда Тошкент Давлат циркига келинг. Артист Бредоларнинг номеридан ана шундай тассурот оласиз.

Чироқлар ўчади. Зангори осмонда космонавтчасига кийинган тўрт жусса кўринади. Мана, уларнинг бири Ойга бориб қўнди. Қолганлари «шляпали» сайёра яқинида туришибди. Космонавтларнинг у осмон жисмидан бунисига парвози бошланади: ҳаво гимнастлари Бредолар цирк пештоқининг у чеккасидан бу чеккасига мураккаб машқлар бажариб учиб ўтишади.

Бу — янги цирк томошаларидан бир шингили, ҳолос. Программада ранг-баранг, қизиқарли номерлар жуда кўп.

Жонглер Босколар ёнаётган таёқчалар билан хилма-хил машқларни енгил ва ёқимли бажаришади. Артист Балакинлар эса ғилдирак ичида туриб майдонда чарх айланишади. Артистлардан Ван-Чулар бажарадиган хитой ўйинлари, иллюзиячи эр-хотин Розенталларнинг ўйини, муаллақчи Гавриловнинг ўргатилган бургут билан бажарган оригинал машқлари ҳам томошабинни ўзига мафтун этади.

РСФСР халқ артисти Рабадан Абакаров раҳбарлигидаги дағистонлик дорбозларнинг номерлари ҳақида тўхталмай бўлмайди. дорбозлар симдор устида енгил рақсга тушишади. Бир дорбоз уч кишини кўтарган ҳолда дорнинг у бошидан бу бошига ўтади. Дор устида турган ҳолда орқага бир айланиб тушиш сингари машқларни ерда турган акробатлар ҳам бажариши қийин. Дорбоз Цовкралар группаси, цирк саҳнасида ҳам шўх ва енгил акробатик машқлар кўрсатади.

Лекин программадаги энг зўр номер, шубҳасиз, «Чавандоз ва арслонлар» аттракционидир. Аттракционда Валентина ва Виктор Эдерлар қатнашади. Валентина РСФСР халқ артисти Борис Афанасьевич Эдернинг қизи. Совет циркининг отахони Б. Эдер Маргарита Назарова, Запашний сингари дунёга машҳур цирк артистларининг устози. 71 ёшлик бу кекса артист қизига ўз касбининг «сирлари»ни пухта ўргатганлиги томоша давомида яққол намоён бўлади.

Аттракционнинг ўзига хос томони шундаки, бунда оддий, томошабин кўриши учун қулай бўлган қафасдан фойдаланилган. Ваҳший ҳайвонларни ўргатувчи артистга ҳам ортиқча иш қолмаган: у ваҳшийлар ўтирадиган оғир курсичаларни у ёқдан бу ёққа кўтариб юрмайди. Итоаткор арслонлар айтилган жойга ўзлари бориб ўтиравершади. Томоша ҳар хил ваҳима элементларидан ҳоли. У эстетика, лирика асосида тузилган. Номернинг ғоявий мазмуни ҳам инсонийликни улуғлайди. Дарҳақиқат, уй ҳайвони (от) билан ваҳшийлар (арслонлар) бир-бирлари билан жуда аҳил яшашади, бирга ўйинкулги қилишади. Уларни ўргатган артистлар маҳоратига қойил қолади, киши.

Цирк томошаси қизиқчилик, ҳажвсиз ўтармиди?! Пародиячи-қизиқчи Козаченко бу соҳада муваффақиятга эришмоқда.

Хуллас, янги цирк томошалари ана шундай қизиқарли ва рангбарангдир.

С. МУСАЕВ.

Суратларда: йиртқичларни ўргатувчи Валентина Эдер арслонлар билан (чапда). Дағистон «Цовкра» дорбозлари симдор устида.

А. Абалян фотолари.

НИКОТИНСИЗ ТАМАКИ

Тамакида никотин қандай ҳосил бўлади? Бу масалани биология фанлари доктори Г. С. Ильин СССР фанлар академиясининг Биохимия институтида ўрганиб чиқди.

Бу олим бир қанча қизиқ эксперименталр ўтказди. У, тамакини томатга пайванд қилиб ўстирди. Шу тарика ўстирилган тамакининг барглари ва поялари никотин ҳосил бўлмади. Шундан сўнг олим бошқача бир тажриба ўтказди: тамакига томатни пайванд қилди. Бу сафар томат меваларида никотин борлиги аниқланди.

Олимнинг бу тадқиқотлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Никотинсиз тамаки ўстириш ёки тамакида бошқа моддалар ҳосил қилиш мумкинлиги маълум бўлди. Чунончи кўкнорига пайванд қилинган тамакида атропин деб аталган шифокор модда пайдо бўлганлиги аниқланди.

(ТАСС мухбири).

Москва.

И. А. ТЕЛЯТНИКОВ

Толмас ходим, меҳрибон ва сезгир ўртоқ Иосиф Антонович Телятников 67 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Петроград губерниясининг Кануновщчина қишлоғида туғилган Иосиф Антонович барвақт меҳнат қучоғига кирди. Петроград, унинг революцион атмосфераси меҳнат кишилари синфининг вакили бўлган ёш ишчининг келажагини белгилаб берди.

1917 йилдаги Октябрь революциясининг иштирокчиси, 1918 йилда Коммунистик партия сафига кирган, гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари фронтларида жанг қилган И. А. Телятников Ленин ордени, иккита Қизил Байроқ ордени, биринчи ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз ва бошқа орденлар ҳамда медаллар билан мукофотланган эди.

Иосиф Антонович Телятников актив жамоатчи эди. Партия уни қаёққа юбормасин жон-дилдан берилиб ишларди, Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг старший илмий ходими сифатида ва бошқа лавозимларда ишлаб, ўзининг иродали коммунист эканлигини кўрсатди.

Камтар ва сезгир, фидокор меҳнаткаш Иосиф Антонович Телятниковнинг хотираси унинг ўртоқлари қалбида абадий сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Дўстлар бурчаги** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Цехда—нур ва ранг** (илмий-оммабоп фильм), 18.00 — **Реклама ва эълонлар**, 18.05 — **Чуқур из, Оқ йўл, Дельфин** (ҳужжатли фильмлар).

Ўзбек тилида: 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Ойнанадан ўпкалама.**

Рус тилида: 19.20 — **Ота-оналар учун**, 19.40 — **Рус қўшиқ ва рақслари**, 20.20 — **Новости дня** (киножурнал) ва **Денгиз ҳордиги** (кинокомедия).

Ўзбек тилида: **Гулёр шаҳноз маҳоми** (музика тарихидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Қутлуг қон**, 24/I да кундуз **Қутлуг қон**, кечқурун **Сарвқомат дилбарим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/I да **Малиновкада тўй**, 24/I да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Валентина** ва **Виктор Эдэрлар гастроли.** РСФСР халқ артисти **Борис Эдэр** раҳбарлигида **«Чавандоз ва арслонлар» аттракциони** ва РСФСР халқ артисти **Рабадан Абакаров** раҳбарлигида **Дағистон «Цовкра» дорбозлари.** Томоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Дорбозлар (ўзбек тилида) — **НАВОИЙ** номли (кундуз ва кечқурун), **«ВАТАН»** (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 9 яримда), **«ИСКРА»** (эрталаб 9 ярим ва 10 яримда).

Отни ким эгарлайди? — **«ВАТАН»** (кеч соат 6 ва 8 да).

Ёшим йигирмада — **«ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА»**, ((кундуз ва кечқурун).

Ноништа билан ўтган тўй — **«СПУТНИК»** (тоқ соатларда).

Бешинчи узел — **«СПУТНИК»** (жуфт соатларда) **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

Қорамурт кўчаси, 152-уй, 5-квартирада турувчи **Лутфулла Ҳабибулович Файзулиннинг** шу квартирада турувчи Рабига Файзулинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Калинин район, Дўрмон қишлоғидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида турувчи **Боқи Гуломовнинг** Тошкент шаҳар, Чиғатой кўчаси, 119-уйда турувчи Фарогат Ҳусановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судида кўрилади.

6-Магнитогорск кўчаси, 29-уйда турувчи **Урмон Нуриддиновнинг** Чилонзор массив, Б-6 сектор, 33-уй, 40-квартирада турувчи Валентина Никандровна Нуриддинованинг ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Тошкент область ижроия комитети раисининг собиқ биринчи ўринбосари, шахсий пенсионер, 1918 йилдан КПСС аъзоси,

Иосиф Антонович ТЕЛЯТНИКОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64695.

Р-01560.

Нашр № В 1682.